2001 ЙИЛ 28 декабр, ЖУМА

Қишлоқ ҳаёти

Ўзбекистон Республикаси ижтимоий-иқтисодий газетаси

1974 йил 1 январдан чиқа бошлаган

Qishloq HAYOTI

№ 154 (6.367).Сотувда эркин нархда

АЗИЗ МУШТАРИЙ!

"Қишлоқ ҳаёти" Сизга ишда, ўқишда, оила даврасида энг яқин ҳамдам, ҳамфикр ва маслаҳатгўй. Газетамизга 2002 йил учун обуна давом этмоқда!

Бизнинг индекс: 144.

МАРКАЗИЙ ОСИЁ ДАВЛАТЛАРИ РАҲБАРЛАРИНИНГ УЧРАШУВИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг таклифига биноан, 27 декабр куни мамлакатимизга Қозоғистон Президенти Нурсултон Назарбоев, Қирғизистон Президенти Асқар Акаев ва Тожикистон Президенти Имомали Раҳмонов ташриф буюрди.

Сўнгги вақтларда Марказий Осиё дунё ҳамжамиятининг диққат марказига айланиб қолгани сир эмас. Кўшни Афғонистондаги воқеалар дунё давлатлари диққат-эътиборини минтақамизга тортди. Террор, наркобизнес, экстремизмнинг уясига айланиб қолган Афғонистон бугун бу иллатлардан холи мамлакатга айланмоқда. Бу жараёнда Ўзбекистон раҳбари юритган оқилона сиёсатнинг муҳимлиги Марказий Осиёгина эмас, дунё ҳавфсизлиги нуқтаи назаридан ҳам халқаро майдонда юқори баҳоланмоқда.

Тошкент ҳамиша тинчлик, дўстлик ва ҳамкорликни мустаҳкамлашга хизмат қиладиган долзарб учрашувлар мезбони бўлиб келган. Айни пайтда Ўзбекистон Марказий Осиёда тинчлик ва тараққиёт йўлидаги саъй-ҳаракатларни белгилашда ўзига хос марказга айланиб қолди. Илгари ҳам тўрт мамлакат президентлари Тошкентда учрашиб, минтақада юзага келган долзарб муаммолар юзасидан фикрлашган, йиғилиб қолган иқтисодий, ижтимоий, маданий соҳаларга оид масалаларни ҳал қилган эди.

Бу галги Тошкент саммити ҳам, таъкидланганидек, Ўзбекистон ташаббуси билан уюштирилди. Ундан кўзланган мақсад икки ва кўп томонлама алоқалар кўламини янада кенгайтириш йўлларини излаш билан бирга, 11 сентябр воқеаларидан кейин дунёда юз бераётган ўзгаришларни, бу ўзгаришларнинг минтақамизга кўрсатиши мумкин бўлган таъсирини таҳлил этиш, тегишли хулосалар чиқариш, ўзаро фойдали қарорлар қабул қилишдан иборатдир.

Тўрт мамлакат давлат раҳбарларининг Дўрмон учрашувида кўп томонлама ҳамкорликни ривожлантириш, минтақавий барқарорлик ва хавфсизликни таъминлаш масалалари юзасидан фикр алмашилди. 28 декабр куни президентлар музокараларни давом эттиради.

(ЎзА)

* * *

СУРАТДА: норасмий учрашувдан лавҳа.

Абдувоҳид ТЎРАЕВ (ЎзА) олган сурат.

ҚАРДОШЛИК РИШТАЛАРИ ЯНАДА МУСТАҲКАМЛАНМОҚДА

27 декабр куни Тожикистон Республикаси Президенти Имомали Раҳмонов икки кунлик расмий ташриф билан мамлакатимизга келди.

Дўрмон қароргоҳида Тожикистон Президентини расмий кутиб олиш маросими бўлди. Фахрий қоровул саф тортиб, икки мамлакатнинг давлат мадҳиялари янгради.

Қароргоҳда Ўзбекистон ва Тожикистон Президентларининг тор доирадаги учрашуви бўлиб ўтди. Суҳбат чоғида икки мамлакат ўртасида сиёсий, савдо-иқтисодий, гуманитар ва бошқа соҳалардаги ҳамкорликни ривожлантириш ҳамда халқаро ва минтақавий муаммолар билан боғлиқ масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Тарихи, дини, урф-одатлари, миллий қадриятлари муштарак бўлган икки қардош халқнинг мамлакатларимиз истиқлолга эришганидан кейин қардошлик ришталари янада мустаҳкамланмоқда. Давлатимиз раҳбари Ислом Каримовнинг Тожикистонга буюрган ташрифлари ва ўз навбатида Тожикистон Президентининг юртимизда бир неча бор меҳмон бўлгани, қолаверса, 2000 йилнинг июн ойида икки мамлакат ўртасида имзоланган Абадий дўстлик тўғрисидаги шартнома бунинг далилидир. Имомали Раҳмоновнинг юртимизга бу галги ташрифи ҳам яқин қўшничилик, дўстлик ва турли жабҳалардаги шерикчилигимиз янада мустаҳкамланишида муҳим аҳамият касб этади.

Президентларнинг дўстона мулоқоти чоғида асосий эътибор давлатларимиз ўртасидаги алоқаларни ўзаро манфаатли асосда ҳар томонлама ривож топтириш, хусусан, савдо, иқтисодиёт борасидаги, давлат чегараларини делимитация қилиш, транспорт коммуникацияси, сув-энергетика, фан, маданият, таълим, ахборот соҳаларида ҳамкорликни янада кенгайтириш масалаларига қаратилди. Шунингдек, Афғонистонда кечаётган ўзгаришлар, минтақавий хавфсизлик, халқаро терроризм билан боғлиқ масалалар батафсил муҳокама қилинди. Таъкидландики, давлатларимиз хавфсизлиги, чегаралар дахлсизлигини таъминлашда икки томон ҳам фаол бўлмоғи керак ва бу борада ўзаро ҳамда БМТ, ЕХҲТ каби халқаро ташкилотлар доирасида кўп томонлама самарали ҳамкорлик айни пайтда муҳим вазифа саналади.

Президентимиз Ислом Каримов Тожикистон раҳбарини юртимизга ташрифи билан қутлар экан, бу ташриф ўзаро муносабатларимизни янги босқичга олиб чиқадиган муҳим воқеа эканини таъкидлади. Имомали Раҳмонов янги йил арафасида Тошкентда меҳмон бўлиб турганидан мамнуният изҳор этиб, Тожикистон делегациясини юксак даражада кутиб олгани учун Президентимизга миннатдорлик билдирди.

Кенгайтирилган тартибдаги музокараларда икки мамлакат расмий делегациялари савдо-иқтисодий ҳамкорликка доир, шунингдек, томонларни қизиқтирган бошқа масалаларни муҳокама қилди.

Албатта, ҳозирги кунда икки мамлакат ўртасидаги савдо-иқтисодий алоқалар имкониятлар даражасида эмас. Жорий йилнинг дастлабки тўққиз ойида ўзаро товар айирбошлаш ҳажми атиги 80 миллион АҚШ долларини ташкил этди. Бироқ, бир томондан бу ҳолни минтақада юзага келган сиёсий вазиятдан келиб чиққан ҳолда баҳоламоқ керак. Айтиш жоизки, қўшни афғон тупроғида террор ўчоқлари пайдо бўлиши, наркобизнеснинг авж олиши, қолаверса, Тожикистоннинг ўзида бир неча йил давомида ҳукм сурган нотинчлик ўзаро бордикелди, олди-сотдига ўз таъсирини ўтказмасдан қолмади. Аммо, эндиликда Тожикистон учун барқарорлик ва иқтисодий тикланиш даври бошланган. Афғонистонда ҳам халқаро ҳамжамият саъй-ҳаракатлари билан аста-секин тинчлик ўрнатилиб, янги ҳаёт қарор топмоқда. Шундай экан, энди Ўзбекистон ва Тожикистон учун барча имкониятларни ишга солиб, ўзаро тенг манфаатли ҳамкорликни жадал ривожлантириш айни долзарб ва муҳим вазифадир.

Шу боис Дўрмонда ўтган музокараларда Президентларнинг икки мамлакат ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларини янада мустаҳкамлаш бўйича ҳукуматлараро қўшма комиссия тузиш, яқин вақт ичида унинг биринчи мажлисини ўтказиш тўғрисидаги қарори айни муддао бўлди. Шунингдек, транспорт коммуникацияси, хусусан, автомобил, темир йўл, ҳаво алоқаларини кенг йўлга қўйиш, сув ҳавзалари, сув-энергетика заҳиралари ва сув хўжалиги қурилмаларидан биргаликда оқилона фойдаланиш зарурлиги таъкидланди.

Ўзбекистон томонининг таклифига биноан, икки мамлакатда телевидение дастурларининг ўзаро намойишини йўлга қўйиш ҳақида ҳам келишиб олинди.

Музокаралар якунида Президентларнинг Қўшма баёноти қабул қилинди.

Шундан сўнг оммавий ахборот воситалари вакиллари учун матбуот анжумани ўтказилди. Унда музокаралар натижалари, икки томонлама алоқалар, минтақавий хавфсизлик масалалари хусусида гап борди.

(ЎзА)

КУННИНГ МУҲИМ ВОҚЕАЛАРИ

● Адлия вазирлигида Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Ислоҳотлар ва инвестициялар бўйича идоралараро мувофиқлаштирувчи кенгаши қонунчилик ва ҳуқуқий-норматив базани такомиллаштириш комиссиясининг жорий йилдаги фаолиятига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.

● Пойтахтимиздаги «Турон» кутубхонасига Очиқ жамият институтининг Кўмак жамғармаси билан «Устоз» жамғармаси грантлари асосида беш мингдан ортиқ газета-журналнинг электрон нусхаси топширилди.

● ЮНЕСКО ишлари бўйича Ўзбекистон Республикаси миллий комиссияси БМТ Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича ташкилотининг «Тинчлик устуни» соврини билан тақдирланди.

● Ўзбекистон Республикаси «Шаҳидлар хотираси» хайрия жамғармасининг Қорақалпоғистон Республикаси бўлими тузилди.

● Миллий матбуот марказида «Орол: экология, тиббиёт ва матбуот» мавзуида анжуман бўлиб ўтди.

● Ўзбекистон Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки сўм пластик карточкалар эгалари ўртасида пулли ютуқлар лотереясини ўтказди.

● Термизда халқ депутатлари Сурхондарё вилоят Кенгашининг навбатдаги сессияси бўлди. Унда 2001 йилда вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш борасида олиб борилган ишлар якуни муҳокама қилинди.

● Ўзбекистон Бадиий академиясининг марказий кўргазмалар залида «Табиат ва рассом» анъанавий кўргазмаси очилди.

● Термиздаги «Алпомиш» спорт мажмуи яна ишқибозлар билан гавжум бўлди. Бу ерда 15-16 ёшли ўсмирлар ўртасида «Турон» якка кураши бўйича республика биринчилиги мусобақалари бўлиб ўтди.

● Бахмал туманидаги қишлоқ хўжалик коллежида бўш иш ўринлари бозори бўлиб ўтди.

Қатағон қурбонлари ёди - муқаддас

Миллий матбуот марказида мустабид тузум даврида Ватанимиз мустақиллиги, эл-юрт озодлиги йўлида курашларда шаҳид кетган юртдошларимиз хотирасига бағишлаб нашр этилган «Саид Аҳрорийнинг танланган асарлари тўплами», «Давр фожеаси менинг тақдиримда», «Жилвон ўғлони» китоблари тақдимоти бўлиб ўтди.

Сўзга чиққанлар «Шаҳидлар хотираси» хайрия жамғармаси ҳамкорлигида тақдим этилган мазкур китоблар халқимизнинг фидойи ўғил-қизлари хотирасини ёд этиш, ҳақиқат ва адолатни тиклаш, замондошларимиз, хусусан, ўсиб келаётган ёш авлод қалби ва онгида ўтганлар хотирасига ҳурмат ва эҳтиром туйғусини шакллантиришга хизмат қилишини таъкидлади.

Тақдим этилган китоблардан бири - мустабид тузум қурбони, журналист, шоир ва драматург Саид Аҳрорийнинг илк маротаба нашр этилган асарлари халқимиз миллий истиқлол йўлида олиб борган тенгсиз курашлар, фидойи юртдошларимиз бошига тушган мусибатлар ҳақида теран тасаввур беради. Китобни адибнинг қизи, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Холида Аҳророва нашрга тайёрлаган.

Фалсафа фанлари доктори Иброҳим Каримнинг «Давр фожеаси менинг тақдиримда» китобида ўтган асрнинг 30-йилларида Украинага қулоқ сифатида сургун қилинганлар бошидан кечган қулфатлар ҳақида ҳикоя қилинса, журналист Дилшод Ражабнинг «Жилвон ўғлони» асарида бухоролик миллий озодлик ҳаракати намояндаси Ҳамро Полвон ҳаёти ҳақида сўз юритилган.

(ЎзА)

ЎҚУВЧИ САВИЯСИ ҚАНДАЙ?

Алишер Навоий номидаги Самарқанд Давлат университетида 2001 йилги тест синовлари якунига бағишланган анжуман бўлди. Унда республика давлат тест маркази вакиллари, вилоят халқ таълими бошқармаси ва барча туманлар халқ таълими бўлимларининг раҳбарлари иштирок этди.

2001 ўқув йилида тест синовларида Самарқанд вилоятидан 210 мингдан зиёд абитуриент иштирок этди. Тест синовларидан муваффақиятли ўтганлар сонига кўра вилоят республикада учинчи ўринда. Боғишамол, Темирйўл, Каттақўрғон туманлари ўқувчилари кўрсатган натижалар эътиборга сазовор.

Тест синовлари, шунингдек, вилоят мактабларидаги таълим-тарбия жараёнидаги камчиликларни ҳам яққол кўрсатиб бермоқда, - деди анжуманда сўзга чиққан Давлат тест маркази директори М.Муҳиддинов. - Хусусан, айрим туманлардаги баъзи мактаблардан биронта ўқувчи олий ўқув юртига киролмаган. Вилоятда ўзбек тили, биология, кимё, география фанларидан ўқувчиларнинг билими юқори эмаслиги кўзга ташланмоқда.

Анжуманда ўқувчиларни тест синовларига тайёрлаш, таълим-тарбия мазмундорлигини ошириш юзасидан фикрлар билдирилди. Шунингдек, таълимнинг давлат гранти ва тўлов-контракт асосида ўқиш шартлари, тартиб ва қоидалари хусусида тушунтириш берилди.

(ЎзА)

БАРГИДАН ҚОБИҒИГАЧА КОНИ ФОЙДА

"Қишлоқ ҳаёти" газетасида босилган "Ёнғоқ шундай мўъжизаки..." мақоласида бу неъматнинг хосияти, иқтисодий имкониятлари ҳақида малакали ёритилиб, хайрли ишга қўл урилган.

Кўпчилик учун қимматли маълумотлар келтирилиб, ўринли таклиф-мулоҳазалар билдирилган. Мевали дарахтлар ичида ёнғоқ дарахти алоҳида ўрин тутади. Грек ёнғоғини мевасидан экиб, кўчат олинади ва пайванд қилиниб, маданийлаштирилган ҳолда ўстирилади.

Ёнғоқ - бебаҳо мева. Мағзининг тўйимлилиги гўшт, сут, баликдан юқори ва сариёғга яқин туради. Унинг мағзида 52-78 фоизгача ёғ, 12-30 фоизгача оқсил ва углеводлар, шунингдек, турли хил витаминлар мавжуд. Унинг барглари ва мевасининг яшил қобиқлари С витаминига бой. Улардан жун ва шойи газлама тайёрлаш учун айнимайдиган қора, жигаранг бўёқлар олинади. Барглари хушбўй эфир мойи мавжуд бўлиб, шу боис кўп соҳаларда қўлланилади. Барглари инсон саломатлигига зарар келтирувчи микроорганизмларни ўлдирадиган фитонцидларни ажратиб чиқаради. Ёнғоқнинг фойдали хусусиятларини ёзиб айтиб бўлмайди.

АКС-САДО

Бу дарахт намгарчилик ўртача бўлган соз тупроқда яхши ўсади. Уни чўл минтақаларга, шўрхок ерларга экиш тавсия этилмайди. Асосан ўқилдиз бўлиб, ён тарафга кетган томирлари уни ҳар қандай кучли шамолларга бардошлилигини оширади. Энг муҳими, ёнғоққа эътиборни қаратишимиз, уни кўплаб экишимиз лозим. Самарқанд ўрмон хўжалигида жами 10971 гектар майдон бўлиб, шу ерларнинг 3.235 гектари ўрмонзорлар билан қопланган. Қолган майдонлар тоғликлар, жарликлар ва қумликлардан иборат. Ҳудудимиз асосан Ургут, Тойлоқ ва Самарқанд туманларида жойлашган.

(Давоми 2-бетда)

МУНОСАБАТ

БАНКЛАРНИНГ ЭШИГИ ОЧИҚ, ФАҚАТ...

Шуни яхши эслаймизки, дастлабки йилларда банкдан кредит олишга ҳамманинг ҳам юраги дов бермасди.

-Юртбошимиз катта минбарлардан туриб бу ҳолни танқидий баҳолар экан, - дейди Марказий банк Бухоро вилояти бош бошқармаси бошлиғи Азамат Авезов, - кенг аҳолига мурожаат қилиб таъкидлардики, кредит олишдан асло чўчимаслик, қўрқмаслик керак, тадбиркор, ишбилармон бўлишни ният қилган киши нафақат кредитни фоизлари билан қайтаришни билсин, балки ундан унумли фойдаланиб, қаддини тиклаб олсин...

Қисқа фурсатда юртбошимизнинг ушбу даъвати ўз самарасини бера бошлади. Банк ва мижоз ўртасидаги ўзаро алоқа шиддат билан ривожланиб, банклар ҳар бир фуқаро борадиган даргоҳга айланиб қолди. Бу борадаги қисқа мулоҳазаларимизни вилоят Марказий банки бош бошқармаси бошчилигида фаолият кўрсатаётган "Замин" банкнинг Бухоро вилояти филиали, "Ўйжойжамғармабанк"нинг Бухоро бўлими, "Пахта Банк"нинг Бухоро вилоят бошқармаси, Миллий банкнинг Бухоро бўлинмаси, "Ўзсаноаткурилишбанк"нинг Бухоро минтақавий филиали ва вилоятда дастлабки ташкил этилган АТ "Тадбиркор"-банкнинг Бухоро бошқармаси ва туман бўлимлари мисолида давом эттирмоқчимиз.

Мисолларга мурожаат этадиган бўлсак, "Замин"банкнинг Бухоро вилоят филиали ўз фаолиятини (1996 йил, декабр) бор-йўғи ўн бешта мижозга хизмат кўрсатишдан бошлаган эди. Беш йил мобайнида унинг мижозлари 1415 тага етди, кичик ва ўрта бизнес корхоналарига 1361 та ҳисоб рақами очилди. Банкнинг устав капитали дастлабки йилда (1997 й.) 0,7 миллион сўмни ташкил этган бўлса, 2001 йил июл ҳолатида бу кўрсаткич 54,8 миллион сўмга етди.

(Давоми 2-бетда)

ИСМИ БИЛАН ТУҒИЛГАН БАХШИ

Хоразм санъати нафақат бетакрор куй-қўшиқлари, балки тингловчилар юрагига олам-олам завқ-шавқ бағишловчи достонлари билан ҳам машҳурдир.

Халқ оғзаки ижодининг бу дурдона асарларида асрлар оша севги-вафо улуғланиб, мардлик, жасорат тараннум этилмоқда. Уларда халқлар дўстлиги, ватанпарварлик, саховат ва садоқат туйғулари ажиб оҳангларда куйланади.

Ўзбекистон Халқ бахшиси Қаландар Норматов воҳа достончилигининг етук намояндаси, Бола бахши Абдуллаев мактабида камол топиб, уни давом қилдираётган санъаткорлардан бири.

Тубанда эътиборингизга мухбиримизнинг Қаландар бахши Норматов билан қилган суҳбатини ҳавола этамиз.

ТАЛАБЛАРИНГИЗГА БИНОАН

-Қаландар ака, аввало, сизни биринчилар қаторида "Ўзбекистон халқ бахшиси" унвонига сазовор бўлганингиз билан табриклаймиз. Президентимиз фармонини эшитган пайтингиз кўнглингиздан нималар кечди?

-Раҳмат. Халқимизда "кўпчиликнинг истаги бажо бўлади" деган гап бор. Сўнгги пайтларда мухлисларим шундай тилак-истак билдира бошлаган эдилар. Менинг халқимга қилаётган озми-кўпми хизматларимни инобатга олиб, юксак унвон билан тақдирлагани учун ҳурматли Юртбошимиздан миннатдорман. Халқ бахшиси бўлиш зиммамга катта масъулият юклайди, десам адашмайман.

-Яқиндан танишгач, билсак, асл исмингиз Рўзимбой экан. Нега сизни Қаландар бахши дейишади?

-Айрим болалар ўз номи билан туғилади. Мен ҳам шундай бўлганман. Буни кейинроқ пайқашган. Онам хивалик бўлиб, акаларимикига меҳмонга борганда кўзи ёриган. Рамазон ойи бўлганлиги учун номимни Рўзимбой қўйишган ва гувоҳномамга шу исм қайд қилинган. 7 кун ўтгач, бошимда кокул пайдо бўлади. Дойимлардан бири Хиванинг аҳли уламоларидан бўлган Машарифжон охуннинг ёнига бориб, у кишидан маслаҳат сўрайди. Охун бобо: "Бола ўз исми билан туғилган. Уни Қаландар деб атанглар" дейди.

(Давоми 4-бетда)

ҲИКОЯ

"ПОЙГАЧИ"

Ҳайдар ота етмиш ёшни қоралаб қолишига қарамасдан, ҳали бақувват, қўлларига ҳасса тутмай бемалол ёш-яланглардай яёв кетаверарди.

Ҳовлидаги кичкинагина боғда эрта-ю кеч куймаланганикуймаланган эди. Кампирининг хасталаниб ётиб қолганлиги, отани ташвишлантириб қўйди.

"Дўхтирнинг берган дориси бир ерингга фойда қилса, иккинчи жойингга албатта зарари бор!" – деб ўйларди ўзича. Тоғу даштларимизда қанчадан-қанча доривор гиёҳларимиз бор, шулардан фойдаланса бўладию, ҳозирги одамлар ялқов бўлиб қолишган, ё гиёҳларнинг фарқига боришмайди...

Бир ҳафталардан кейин Шарофат момо ҳам анча яхши бўлиб, ҳовлига чиқиб қуёш нурида тобланиб ўтирадиган бўлиб қолди. Кўнгли анча таскин топган Ҳайдар ота эртасига кампирига ёрилди.

-Кўз тегмасин анча тузуксан онаси. Анчадан бери кўнглимга бир нарсани тугиб юрувдим.

-Нима гап, тинчликми отаси? Бирон-бир гап бўлдими?

-Тинчлик, тинчлик. Хавотир оладиган ҳеч бир гап йўқ, худога шукур. Қўшработ томонда, ҳарбийда бирга хизмат қилган Исмат деган оғайним бўлгучийди. Шуни топиб бир кўриб келсак, деб кўнглимга тугиб қўйгандим. Уларга тоғ яқин, кейин ўзиям доривор ўсимликлардан ҳар хил малҳамлар тайёрлайди, баҳонада шулардан олиб келмоқчиман.

-Тузалиб қолдим-у отаси, овора бўлишингизнинг нима ҳожати бор? Шунча йўлга бораман деб яна...

-Ҳай-ҳай нафасингни шамол учирсин-е! Қўшработ нима деган гап, Самарқанддан сал ўтилса бўлди. Бир кеча меҳмон бўлиб қайтаман. Анову тоғ доридан олиб келишим керак. Дармон сувоқдан бир боғ керак, ҳаммасидан ҳам зарури улов. Бир яхши ювошгина эшак бўлса, олиб келмоқчиман. Сен ҳам қариндош-уруғларникига борганингда яёв бормайсан.

(Давоми 4-бетда)

КЕЛГУСИ СОНДА:

ШОМУРОДНИНГ ШОҲ МУРОДИ

ИЛМ АМАЛИЁТГА ПАЙВАСТА

"СУТДАЙ ОҚШОМ ҚЎЙНИДА..."

ГУРУНГ

ҲАЗИЛКАШ "РАССОМ"

Акмал кейинги пайтларда ўғлининг ўқиши билан кўпдан бери қизиқмай қўйганини эслаб юраги ғашланди. Ўғли қандай ўқияпти экан?

Кейинги вақтларда унинг дарс тайёрлаганини деярли кўрмади ҳам. Шу ҳаёлда ўғлини ёнига чақириб, дафтарларини текширди. Ҳаммаси бинойидек эканлигини кўриб сал хотиржам тортди.

-Қийинчиликлар йўқми, қийналмаяпсанми? – сўради ўғлидан.

-Расм ўқитувчимиз менга доим бир нарсани расмини чиздираверади, - ёзғирди ўғил. – Бошқа нарсаларни расмини чизай десам, унамайди.

-Ким ўзи у ўқитувчинг? - деди Акмал жаҳли чиқиб. – Нимани расмини чиздиради?

-Аҳад домла-да...

-Аҳад Юсуповми?

-Ҳа, ўша киши.

Акмал энди дўсти Аҳаднинг бу қилиғидан бир шумликни сезди-ю, расм дафтарини олиб келишини буюрди.

-"Дадангга айт, қийналсанг, чизиб беради", деди ўқитувчимиз.

Азим дарсхонага чопиб кетди-ю, расм дафтарини кўтариб келди. Акмал дафтарни варақлар экан, унинг деярли ҳаммаси молнинг турфа хил расмлари билан тўла эди. Расмларни кўриб Рихсихон беихтиёр кулиб юборди. Бир қишлоқда катта бўлгани учун ёшлигида эрининг лақаби "мол" эканлигини биларди.

-Ўғлим, - деди Акмал ўзини зўрға кулгидан тийиб. – Илоннинг расмини чизишни биласанми?

-Ҳа, яхши биламан.

-Унақада, чиройли қилиб илоннинг расмини чизгин-да, дарсга бориб, "дадам сизга салом айтди" дегин.

Ўғил бунинг сабабини умуман тушунмаса-да, буни оқизмайтомизмай, ўқитувчисига етказди. Ўқитувчи ҳам кула-кула "5" баҳо қўйиб берди. Аъло баҳодан руҳланиб кетган Азимжон ўқитувчисидан дакки эшитмагунга қадар илонни расмини чизаверди. Унгача ҳам бир альбомни тўлдириб улгурган эди.

Бахтиёр ЁҚУБОВ

"ЎҚҚА УЧГАН БОШМОЛДОҒИМ НЕ БЎПТИ"

Зубайра кампирнинг ўнг қўлида бош бармоғи йўқ эди. Боғчага қатнаётган эвараси бижирлаб сўроққа тутди:

-Қўлингизга нима қилган, момо?

-Фрунзенинг ўқига учган.

-Сизни ёмон кўрармиди?

-Менимас, номики одамни одам ўрнида кўрмасди.

-Ие, ёмон экан-да бўлмаса.

-Ҳа, болам, ёмон эди...

Қизи Зубайра билан томга ўрик ёйгани чиққан Саломатхон поезднинг рўпараларида тўхтаб олиб, дут устига дут қилишига эътибор ҳам бермади. Икки ҳовли наридаги темир йўлдан поезд ўтишига ҳам, аҳён-аҳёнда тўхтаб қолишига ҳам кўникиб кетганди. Аммо вагонлардан қарсса-қарсса ўқ отилиб, қайси биридан замбарак гумбирлай бошлагач, қизини бағрига олиб мўрининг панасига ўтди. Кейинчалик билса, ўша савил ўқ ўтмайдиган ўрис ҳарбий поезди бўлиб, қўрбоши Омон полвоннинг Шодмалик қабристонидаги қароргоҳини тўпга тутганмиш. Ваҳоланки, бу пайтда Омон Полвон қирқ чақирим олисда – тоғлар этагида эди. Бирор соатлар ўтиб, тасира-тусур тингандай бўлди. Қизи йиғлаб этагидан тортқилайвергач, томдан тушиб ола қолайлик, дея қўзғалуви ҳамки, яна ола-тасир бошланиб, замбараклар гумбир-гумбирга тушди. Улар жон аччиғида ўринларига чўкар-чўкмас Зубайра овозининг борича додлаб қолди. Мундай қараса, қизчанинг қўли қоп-қора қон. "Вой ман ўлай" деган аёл уни этакларига ўради-да, қулоқлари остидан визиллаб ўтаётган ўққа ҳам парво қилмай, нарвон тарафга интилди...

-Роса оғригандир-а, эна? – ачинди Муножот Зубайра момонинг ҳикоясини тинглаб бўлгач, бошини сарак-сарак қилиб.

-Э-э, чироғим, Мулла Ҳошимнинг боши кетди. Ўрис қулоғини қилича чопган биринчи муаллим Мулла Нормат Ҳамдамов Нормат чиноқ бўп қолди. Азимшоҳ билан Холмўмин бўлис турмада чириди, Қамарбойвачча Қашқарга қочиб қутулди, отам шўрлик ўн икки йил авахтада ётдилар. Сенга қайси бирини айтайин! – кампирнинг кўзларига ёш тўлади. - Ўшандоқ инсонлар олдида менинг ўққа учган бошмолдоғим не бўпти!

-Қўлингиз эндиям тузалмайдими-а? – астойдил сўрайди қизча.

-Мана бу ердаги яраларнинг қанчасига малҳам қўйилди, - момо қўли билан чап кўксига ишора қилиб кулимсирайди. – Иншоаллоҳ, сенинг замонинг келди, қўлим ҳам тузалиб қолар, болам.

Истиқлолдан етти ёш кичик қизалоқда савол кўп, Истиқлолдан саксон ёш улуғ момода жавоб мўл.

Рустамжон УММАТОВ,
Косонсой тумани.

"ОТАМНИ СОҒИНДИМ"

Холмирза акани кўрганда унинг аҳволига ачиниб кетаман. Бечора отаси ўлгандан кейин ғамдан букчайиб муштдеккина бўлиб қолди. Дунё билан иши йўқ.

"Ҳар бошга бир ўлим" деб кўп юпатишди, бўлмади. Эрта тонгда туради-ю, қабристонга қараб йўл олади. Отасини кўришга, у билан суҳбатлашишга боради. Бир куни уни зимдан қузатиб қабристонга бордим. У ҳеч қаёққа қарамай тўғри отасининг қабри ёнига бориб ўтирдию, Қуръон тиловат қила бошлади. Яқинроғига бориб ўтирдим. Тиловатни тугатиб бир нималарни пичирлай бошлади. Эшитдим, ҳар бир сўзини аниқ тушунмаган бўлсам-да баъзи гапларини эшитдим. Отаси билан гаплашаётган экан.

-Ота, бугун сизни тушимда кўрибман. Мени ёнингизга чақираётган эмишсиз. Ёнингизга бораман деб югурмоқчи бўлибман-у кичик неварангиз бор-ку Адҳам, ўша оёғимдан маҳкам ушлаб олиб, кетишимга йўл қўймаётган эмиш. Кейин бирданига уйғониб кетибман. Қарасам Адҳам бўйнимдан маҳкам қучоқлаганича ухлаб ётибди. Бўғзимга бир нарса тиқилгандай гапира олмадим. Сизни соғинибман.

Тунов куни денг "дада, сиззи дадайиз қаёқдала?" деб қолди. Шунда нима дейишимни билмай "мени дадам узоққа кетганла, жудаям узоққа" деб кўя қолдим. Худо умрини узоқ қилгур қуйиб қўйгандек сизга ўхшайди. Бирор куни уни ҳам олдингизга олиб келаман. Ўзингиз кўрасиз, жуда ақлли бола бўлган. Йўқ, эртагаёқ олиб келаман, албатта ўзим билан бирга олиб келаман"- деб ўрнидан турди. (Мени кўрмади чоғи). Индамай қабристондан чиқиб кетди. Билдимки, у ҳар куни отаси билан гурунглашиш, кўнглидагини айтиш учун келади.

Эрта тонгда ойимнинг қистови билан ўрнимдан турдим.

-Тезроқ бўла қол, даданг қараб турибдилар, таъзияга бориб келарксанизлар, Холмирза акангни бериб қўйишибди, - деди ойим.

Устимдан бир челак сув қуйилгандек сесканиб кетдим. Гапиришга ҳам мадорим қолмади. Ахир кечагина уни қабр ёнида кўрган эдим-ку, отаси билан суҳбатлашганди.

Наҳотки?! Ҳеч ишонгим келмайди. Бирдан хаёлимга Холмирза акининг кичик ўғли Адҳам келди. Мурғаккина бола нимани ҳам тушунарди. Энди унинг ҳам дадаси йўқ. Узоққа кетган, жудаям узоққа, дадасининг ёнига кетган...

Шавкат ОРТИҚОВ

ЭЪЗОЗ ВА ЭҲТИРОМ ШУКРОНАСИ

ИЗҲОР

Тарих зарварақларига, шубҳасиз, олтин ҳарфлар билан ёзиб қолдириладиган 2001 йил менинг ҳаётимда ўчмас ёрқин из қолдирди.

Қирқ йилдан ортиқ эл-юрт, Ватан олдидаги озми-кўпми хизматларим эътиборга олиниб, Ўзбекистон Қаҳрамони унвонига сазовор бўлдим. Не бахтки, бу мукофотни шахсан Президентимиз И.Каримовнинг ўзлари топширдилар. Бу эса аллақачон етмиш ёшни ҳатлаб ўтган мендек қарияга йигитлик куч-қувватимни қайтариб бергандек бўлди гўё! Шу куни бўлган тантанали мажлисда яна бир муҳим воқеа юз берди: Юртбошимиз 2002 йилни "Қарияларни қадрлаш йили" деб эълон қилдилар. Бу – барчанинг дилидаги таклиф бўлди. Қадимий урф-одатлар ва анъаналаримизга биноан бикесалар ҳамиша ҳурмат-иззатда бўлишган, эъзозланган, чуқур эҳтиром кўрсатилган. Ахир, "Қари билганни пари билмас", "Оталар сўзи – ақлнинг кўзи" каби ҳикматлар бекорга асрлар оша янграб келмаган-да! Президентимиз қарияларни қадрлашдек эзгу ташаббусни илгари сурдиларки, бу Юртбошимизнинг буюк авлод-аждодларимиз ишини изчил давом қилаётганига яна бир ёрқин намунадир.

Зеро, бундай Юртбошиси бор, қарияларни қадрлайдиган, эъзозлайдиган юрт асло завол топмагай!

Алланиёз ЎТЕНИЁЗОВ,
Ўзбекистон Қаҳрамони,
Нукус тумани
"Саховат" фермер хўжалиги раҳбари.

БАРГИДАН ҚОБИҒИГАЧА КОНИ ФОЙДА

(Боши 1-бетда)

Омонқўтон тоғи ён бағирларига 50-60 йил илгари экилган ёнғоқ дарахтларининг сони 1000 туп бўлиб, улардан йилига ўртача 2,5-3 тонна ёнғоқ ҳосили олинади. Бу, албатта, талаб даражасида эмас. Олинган ҳосил ҳар бир туп дарахт ҳисобига икки ярим-уч килоданга тўғри келмоқда. Ҳосилдорликнинг пастлигини қуйидагича изоҳлаш мумкин:

Биринчидан, кейинги йилларда ёғингарчиликнинг бирмунча камайиши, маълум даражада ёнғоқ ҳосилдорлигининг пасайишига олиб келди. Иккинчидан, тоғу тош ораларига экилган дарахтлар офтобга интилиб бўй чўзганлиги сабабли унинг мевасини йиғиб-териб олишда муайян йўқотишлар юзага келади. Учинчидан, ёнғоқ ҳосилини асраш қийин, пишар-пишмасдан ҳар тарафдан ташиб кетувчилар кўп. Шундай бўлишига қарамасдан бу йил Омонқўтон тоғларидан 2,5 тонна ёнғоқ териб олдик. "Қишлоқ ҳаёти" газетаси ёнғоқзорларда ҳосилдорликни ошириш, янги ёнғоқзорлар барпо этиш мақсадида ерни ижарага бериш усулидан кенг фойдаланишни кўтариб, тўғри таклиф киритган. Хўжалигимиз айнан шу йўлдан бориб, ёнғоқзорларни ишчиларимизга ижарага берганмиз. Хўжалик юритишнинг бу усулини қўлламаганимизда ҳосил олиш амри маҳол эди.

Ургут тоғ этакларининг аксарият қисми ширкат хўжаликлари тасарруфида. Ана шу майдонларда ёнғоқзорлар барпо этиш имконияти мавжуд. Хўжалигимизнинг Тойлоқ тумани ҳудудида 65 гектар суғориладиган майдони бор. Бу жойда ҳам сув муаммоси доимо кўндаланг бўлиб туради. Оз миқдорда бўлса-да, сув ажратилганда эди, боғдорчиликни янада ривожлантириш, шу жумладан, ёнғоқзорларни вужудга келтириш имконияти яратиларди.

Илгарилари тоғ ёнбағирларини кесиб, зинапоя усулида дарахтлар экардик. Бу ерларда қор ва ёмғир сувлари яхши тўпланарди. Иқтисодий қийинчиликлар боис техникаларимиз эскириб, янгисини сотиб олишга қурбимиз етмаяпти. Натижада тоғ этакларида зинапоя усулида ўрмонзорлар барпо этиш суст лашиб қолди. Агарда юқори ташкилотлар томонидан тегишли маблағ ажратилиб, техника харид қилиш имконияти яратилса, янги-янги ўрмонзорлар, хусусан, ёнғоқзорлар барпо этиш мумкин бўлади.

Баён ХУРРАМОВ,
Самарқанд ўрмон хўжалиги директори.

ЯХШИ ХАБАР

ФОЙДАЛИ СЕМИНАР

Яқинда АҚШнинг Ўзбекистондаги элчихонаси ва Бухоро вилоят ҳокимлиги ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармаси ҳамкорлигида шаҳардаги академик лицейида уюштирган семинар-кенгаш бощдан-охиригача инглиз тилида ўтди.

Чунки мазкур бошқарма ҳузурида фаолият кўрсатаётган доимий ҳаракатдаги малака ошириш курсларининг хорижий тиллар фани шўъбаси атрофида уюшган 60 дан зиёд педагоглар бу анжуманда ўқувчиларга инглиз тилини ўқитиш услубиёти хусусида айнан шу тилда баҳс-мунозара олиб бордилар.

Дилмурод ЖАББОРОВ

ТАДБИРКОРЛИК

"ДУДЛАНГАН ПИШЛОҚДАН ТАТИБ КЎРИНГ!"

Қашқадарё вилояти Косон туманидаги "Аср" фермер хўжалиги таркибига кирувчи хом ашёни қайта ишлаш цехига ташриф буюрган харидорларга "Дудланган пишлоқдан татиб кўринг!" дея лутф қилишади.

Бундан ташқари бринза, творог, кефир, қаймоқ, сарёғ сингари неъматларни ҳам сотиб олишлари мумкинлигини айтишади.

Тиниб-тинчимас тадбиркор Рустам Боймуродов чорвачиликни йўлга қўйишга, тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришга осонликча эришмади. Елиб-югуришлари натижаси сифатида чорвачилик йўналишидаги фермер хўжалиги ташкил этилди. Хом ашёни сотиш кўзланган самарани бермаслигини тушуниб етган ишбилармон қайта ишлаш цехини ишга туширди. Дастлабига фақатгина қаймоқ, "Ҳавас" деб номланган сарёғ тайёрланган бўлса, кейинчалик яна беш хил маҳсулот ишлаб чиқариш ўзлаштирилди.

-Ҳозирги пайтда маҳсулотларимизни "Нефтегаз" корпорацияси таркибига кирувчи "Аланга" очиқ турдаги ҳиссадорлик жамиятига, "Темирйўлсавдо" ташкилотига ва бошқа харидорларга сотаяпмиз, - дейди тадбиркор Р.Боймуродов. – Фаолиятимизни янада кенгайтириш чораларини кўраяпмиз. 2002 йил ёз мавсумигача мева-сабзавот қуритиладиган цехни ишга тушириб, майиз, туршак, баргак ва бошқа неъматларни ички ҳамда ташқи бозорга чиқарамиз. Бу цех фойдаланишга топширилгач, қўшимча равишда йигирма киши доимий иш билан таъминланади.

Бахром МУРОДОВ



Чиноз туманидаги Т.Охунова номли ширкат хўжалигининг марказий устахонасида чигит экиш мавсумида ишлатиладиган барча техника воситалари сифатли қилиб таъмирдан чиқариляпти. Таъмирлашда айниқса, Б.Хўжаниёров, М.Тўлаганов ҳамда М.Қодиров сингари уста чилангарлар жонбозлик кўрсатишаётир.

СУРАТДА: бош муҳандис Руслан Усмонов ҳамда чилангар Салоҳиддин Юсуповлар экиш мосламаларини кўздан кечиришяпти.

Б.АКРАМОВ олган сурат.

ЖАРАЁН

ФЕРМЕРНИНГ ҲУҚУҚИ ТИКЛАНДИ

Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлигининг ёрдами билан Беруний туманидаги "Мурод Муҳаммад" фермер хўжалигига тегишли 8,5 гектар ер "Озод" деҳқон фермер хўжаликлари уюшмасидан олиб берилди.

Дамир Узоқбергановнинг айтишича шикоят ўрганиб чиқилганда унга тегишли ерлар ноқонуний тортиб олинганлиги аниқланди. Адлия вазирлиги томонидан жорий йилнинг 29 август куни ер майдонини ўз эгасига қайтариш ҳақида Қорақалпоғистон Республикаси хўжалик судига, фермерга келтирилган маънавий зарарни ундириш тўғрисида Беруний туманлараро фуқаролик судига даъво аризалари берилди. Натижада даъво аризалари судлар томонидан қонуний ҳал этилди ва 8,5 гектар ер ўз эгасига қайтарилди. Беруний туманлараро фуқаролик суди айбдорлардан фермер фойдасига 175 минг 500 сўм маънавий зарарни ҳам ундириб берди.

"Туркистон-пресс"

БАНКЛАРНИНГ ЭШИГИ ОЧИҚ, ФАҚАТ...

(Боши 1-бетда)

2001 йилнинг биринчи ярмида жами банк активлари 709,4 миллион сўмни ташкил этди. Бу эса ўз навбатида банк фаолиятининг кредитлаш даражаси ошганлигидан далолатдир.

"Ўйжойжамғармабанк"нинг Бухоро бўлими ҳам 1997 йилдан фаолият кўрсата бошлади. Банкнинг зиммасига жуда масъулиятли, айтиш жоизки, аҳолининг турмуш даражаси, яшаш тарзини белгилайдиган – фуқароларнинг уй-жойга бўлган эҳтиёжини қондириш муҳим вазифа турибди. Шу қунгача мазкур банк бўлими 4 та уй-жойлар қуриб, шундан иккитасини фойдаланишга топширди. Агар банк томонидан кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш учун 1997 йилда 2900 минг сўм қисқа муддатли кредитлар ажратилган бўлса, кейинчалик бу кўрсаткич 192410 минг сўмга етди. Банк Бухорода спорт турларини ривожлантириш, тарихий ёдгорликларни таъмирлаш борасида етакчилик қилиб, ўтган 2000 йил мобайнида 2199 минг сўмлик ёрдам кўрсатди.

Бундай мисолларни Миллий банкнинг Бухоро бўлинмаси ва унинг еттита тумандаги филиаллари мисолида ҳам кўриш мумкин.

-Банк хизматидан фойдаланадиган мижозларимиз сони йил давомида икки бараварига кўпайиб, ўн уч мингтага етди, - дейди бўлинма бошлиғи Ўткир Омонов. -Ўтган йилда халқ хўжалиги тармоқларига 1,637,2 миллион сўмлик кредитлар йўналтирилди. Умумий кредитларнинг 81 фоизи кичик ва ўрта бизнес субъектларига берилди...

Яна шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, хориж билан ишлаётган мижозларга хизмат кўрсатишда банк 9 йиллик тажрибага эга. Унинг 65 мамлакатда жойлашган 412 банкда очилган вакиллик ҳисоб варақалари ёрдамида мижозлар тўлови энг замонавий "SWIFT", "REUTER", "VISA" тизимлари орқали бир неча сонияда дунёнинг италган банкига ўтказилади. Йил давомида мижозларнинг 13 та экспорт ва 34 та импорт шартномалари банк рўйхатига олинди. Экспорт шартномаларининг бажарилиши натижасида вилоятга 1004 минг АҚШ долларидаги валюта тушуми келиб тушди.

Вилоятдаги йирик ва ишончли акциядорлик тижорат банкларидан яна бири бу "Ўзсаноаткурилишбанк" Бухоро минтақавий филиали ҳисобланади.

-Филиалимиз фаолиятининг устувор йўналишларидан бири кичик ва ўрта бизнесни кредитлаш дастурини янада ривожлантиришдир, - дейди банкнинг минтақавий филиал бошлиғи Асқад Турсунов. – 2001 йил сентябр ойи ҳолатида жами 881 та кичик ва ўрта бизнес субъектларига хизмат кўрсатилди. Шундан 178 тасини деҳқон ва фермер хўжаликлари, 361 та кичик корхона ва хусусий фирмалар, 342 тадбиркор ташкил этади. Ўтган йилнинг 8 ойи давомида 213 та тадбиркорга умумий суммаси 410,1 миллион сўм кредит маблағлари ажратилди. Ушбу кредитлар банкнинг ўз маблағлари ҳисобидан берилди.

Филиал хусусий тадбиркорларни нафақат кредит бериш орқали, балки ишлаб чиқаришни йўлга қўйишда, молиявий маблағларни бошқаришда аниқ, фойдали маслаҳатлар бериш, муҳим лойиҳаларни ишлаб чиқаришда кўмаклашиш орқали ҳам қўллаб-қувватламоқда. Банк бўлимида 2001 йил ҳолатига кўра 195,1 миллион сўм имтиёзли кредитлаш жамғармаси ташкил қилиниб, бу 100 фоиз ўзлаштирилган. Берилган кредитлар бўйича муддати ўтган қарздорлик йўқ.

Демак, банклар молиявий ҳолатининг ишончли манбаи, бу банк ресурслари салоҳиятининг ҳажми ва тузилишидадир. Ресурслар базасини шакллантиришда эса ҳар бир банк ўз маблағлари улушини кўпайтиришга ҳаракат қилади. Бу эса ўз навбатида имконият, мижозлар учун имтиёз дегани. Мижоз бўлишни истаган ҳар бир киши банкнинг кредит ажратиш имкониятлари билан қизиқиши табиийдир. Чунки кредит бериш ва олишда ҳар икки тоннинг ҳам манфаатлари муҳимдир.

Энди банклардан кредит олиш борасидаги баъзи англашилмовчилик, тортишувли ҳолатлар хусусида фикр юритсак.

Гап банк ва мижоз, кредит олиш тартиби ва банк билан ишлаш ҳақида кетар экан, "Тадбиркор"банк Шофиркон туман бўлимида (банк ва мижоз ўртасида) кечган тортишувли бир воқеага тўхталмоқчимиз.

"Боғи афзал" ширкат хўжалигининг Маркуш қишлоғида яшовчи Давлат Қаҳҳоров банкнинг туман бўлимига (16 август 2001 йил) қорамол ва қўй сотиб олиш учун 3 миллион сўм – уч йил муддатга имтиёзли кредит сўраб, ариза билан мурожаат этади. Банк бўлимининг кредит комиссияси (20 августда) фуқаро Давлат Қаҳҳоровнинг молиявий аҳволи, кредитни қоплаш қобилияти ҳамда гаров мажбуриятини ўрганиб, мижоз 0,25 сотихли томорқасида банкдан оладиган 3 миллион сўмлик кредити, бюджетдан ташқари жамғармалар кредити) таклиф этилди. Бироқ, у қатъий рад этди. Ҳолбуки, Д.Қаҳҳоров мол боқишга астойдил бел боғлаган экан. Адлия вазирлигининг 2000 йил 29 февралда тасдиқлаган тижорат банклари томонидан (юридик шахс мақомини олмасдан) якка тартибдаги тадбиркор ва деҳқон хўжаликларини микрокредитлаш тартибидан фойдаланса ҳам бўларди. Ушбу тартиб, ҳалол, ғайратли тадбиркорлар учун катта имкондир.

Д.Қаҳҳоровнинг вилоят адлия бошқармаси ва "Тадбиркор" банкнинг Шофиркон туман бўлимига ёзган аризалари билан батафсил танишдик.

-Шу йил харажатларим ошиб кетди, тўй қилдим, яна тўй қиламан, - дейди Д.Қаҳҳоров. (Шу жойда у асл муддаосини тўғри талқин этди...)

-Имтиёзли кредитни тўй учун ажратолмаймиз, бунга бизнинг ҳаққимиз йўқ, - деб тушунтиришга уринди банкнинг туман бўлими бошқарувчиси Фазлиддин Алимов.

Аммо Д.Қаҳҳоров уни эшитгиси йўқ. Тортишув шу тахлит давом этгач, охирида у кредит олиш учун ўнлаб важ келтирди: харажатим ошиб кетди, деб кўрди, бозордан қўй сотиб оламан, деб кўрди, қўшиларим "Дамас", "Нексия" минаяпти, менинг улардан қаерим кам, деб кўрди. Унинг аниқ режаси борми ёки йўқ – билиш қийин эди.

-Устингдан арз қиламан, барибир, кредит оламан, бермасанг, сенинг қорамол ва қўйларини сақлаш ва боқиш имконига эга эмас, деган хулосага келди.

Шу ўринда имтиёзли кредит нима, тижорат банклари имтиёзли кредит жамғармасини қай йўсинда ва нима учун ташкил этадилар, деган саволга жавоб топсак. Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 19 майдаги 195-қарори 3-иловаси 2.2. бандида ёзилишича, тижорат банклари имтиёзли кредит бериш жамғармасини ишлаб чиқариш микрофирмалари, кичик ва ўрта корхоналарга, деҳқон ва фермер хўжаликларга, шунингдек, юқори технологик ва инновация лойиҳаларини амалга ошириш учун ташкил этадилар...

Тадбиркор шахс Давлат Қаҳҳоров банкнинг қарори билан танишгач, турли идораларга арз қилди. У банкдан кредит олишнинг қонуний йўлидан юрмай, "чоралар" излади. Унга эса кредитнинг бошқа турлари (тижорат ўрнингга келадигани беради, - дея баланддан кела бошлади у...

Кредит можароси билан танишиш давомида яна бир нарса ойдинлашди: Д.Қаҳҳоров хотини Гулсара Нарзиева номига ўтган йил "Замин" банкнинг вилоят филиалидан 1600 минг сўм кредит олган ва ҳали қайтарган эмас. Албатта, Д.Қаҳҳоровнинг "Тадбиркор" банкдан кредит (қарз) олишига юқоридаги мисол тўсиқ бўлолмайди, аммо...

-Давлат ака, - дея унга ётиғи билан муомала қилишга уринаман, - Сиз ҳақ бўлсангиз, банкнинг остонасидан фойдали, аниқ бир лойиҳани – ишни амалга ошириш учун қадам боссангиз, кредит олиш учун ҳужжатларингиз тугал бўлса, сизни ким ҳам ранжита оларди? Бунинг учун атрофингизга одам тўплаш, хотинингиз номига расмийлаштирилган қарз ҳисобига олинган қўйларни сотиб, арз қилишга ҳожат йўқ-ку?! "Замин" банкдан олинган кредитга (гаров тарақасида) қўшни Вобкент туманида яшаётган қудаларимнинг иккита машинасини қўйганман, деб айтаяпсиз. Энди-чи, ўз номингизга оладиган қарзга нимани гаровга қўймоқчисиз?

-Укаларимда "Дамас" бор, қариндошларимда машина бор.

-Бу ҳали қуруқ гап-ку, улар бунга розими-норозими? Қўйиладиган гаров ҳужжатда қонуний акс этмаса, банк сизга ишонмайди...

-Билмайман! – дея сўзимни чўрт кесди у. – Аҳд қилдим, барибир шу банкдан кредит оламан!..

-Давлат Қаҳҳоров банк бўлимимизга имтиёзли кредит олиш учун ёзма мурожаат этганидан сўнг биз унинг молиявий аҳволини ўргандик. Бу орада унга ишончсизлик билдирилган телефон қўнғироқлари ёғилди. Бунинг устига унинг гаровга қўйдиган шахсий мулки (уй-жойидан ташқари) йўқлиги ҳамда қариндошлари, укаларининг "Дамас"ини уларнинг розилигисиз гаровга қўяман, деган оғзаки важлари кредитнинг қайтишига шубҳа уйғотди. Банкнинг пулига бундай беписандлик, енгил-елпи қараш, алдов билан кредит (қарз) олишга уриниш жиноят-ку, ахир, - дейди Ф.Алимов.

Қарз ўз номи билан қарз. Банкдан қарз олиб, уни фоизлари билан тўлаб, яна фойда кўра билган кишигина ҳақиқий тадбиркор саналади.

Хулоса қилиб айтадиган бўлса, "Иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишда бутун банк тизими локомотив вазифасини бажариши керак", Президентимизнинг ушбу сўзлари банкни мижозга, мижозни эса банкка яқинлаштиради.

Ражаббой РАУПОВ,
Бухоро.

ЕТТИ ИҚЛИМДАН БИР ШИНГИЛ

ЛОДЕН ЎЛГАНМИ, ЎЛДИРИЛГАНМИ ЁКИ...

"Покистон Обзервер" газетаси "Ал-Қоида" ташкилоти раҳбарларидан бири билан бўлган суҳбатни чоп этди.

Унда ёзилишича, Усама бин Лоден декабр ойи ўрталарида касаллик туфайли вафот этган, Тора-Борада ўтказилган дафн маросимида 30 га яқин сафдошлари иштирок этган.

АҚШ ҳукумати эса бундай хабарга ишонмасада, лекин Тора-Борадаги қақшатқич ҳаво ҳужумлари вақтида бин Лоден ўлган бўлиши мумкин дея, тахмин қилмоқда. Шунга қарамай, Қўшма Штатлар уни қидирув ишларини янада кучайтирмоқда. Бин Лоденнинг мамлакатда ёшириниб юргани ёки бошқа давлатга ўтиб кетганлиги ҳақидаги тахминлар ҳам йўқ эмас. Масалага ойдинлик киритувчи энг тўғри восита эса Усаманинг жасадини ёки уни тирик ҳолда топишдир.

ЁНҒИН СИДНЕЙГА ЯҚИНЛАШМОҚДА

Австралиянинг Янги Жанубий Уэльс штатида юз берган ёнғин борган сари жиддийлашиб бормоқда. Штат раҳбарияти фавқулодда ҳолат эълон қилиб, аҳолини хавфсиз жойга кўчиришни бошлади.

Ҳозирда шаҳарлараро қатновчи поезд ҳаракатлари издан чиқиб, ичимлик сувидан фойдаланиш ҳам тўхтаб қолди. Ёнғин Сидней ва пойтахт Канберра шаҳарлари томон яқинлашиб келаётган бўлиб, уни бартараф этиш учун 5 минг киши жалб этилган. Офатнинг келиб чиқишига кишиларнинг олов билан эҳтиётсиз тарзда муносабатда бўлганликлари сабаб бўлиши мумкин.

ПЕРЕС ТОВОН ПУЛИ СЎРАМОҚДА

Исроил ташқи ишлар вазири Шимон Перес Киевга сафари чоғида мамлакат раҳбарияти билан учрашди.



Ташрифнинг асосий мақсади 4 октябр куни Қора денгиз устида Тель-Авивдан келаётган "ТУ-154" самолётини ўқув машғулотлари ўтказаётган Украина қуролли кучлари томонидан тасодифан уриб туширилишида қурбон бўлган исроилликлар учун товон пули тўлаш лозимлигидан иборат бўлди. Переснинг фикрича, бу фожеа ўзаро муносабатларга таъсир этмайди.

Иордан дарёсининг ғарбий қирғоғида эса Исроил армияси Иерихон шаҳрини қамал қилишни бекор этди, лекин аскарлар минтақадан олиб чиқилгани йўқ. Мақсад террор ҳаракатининг олдини олишдир.

ИНТЕРНЕТ хабарлари асосида
А.КАМОЛОВ тайёрлади.

ДУШАНБА, 31

«Ўзбекистон» телеканали БАЙРАМИНГИЗ ҚУТЛУҒ БЎЛСИН, АЗИЗ ЮРТДОШЛАР!

Сизни 31 декабрь тонгидан 1 январь тонгигача «Ўзбекистон» телеканалининг узлуксиз марафонини томоша қилишга таклиф этамиз. Сизлар дастуримиздан жой олган «Янги йилда - янги хотин» телевизион миниатюралар театрини, халқимизга хос бўлган фазилат - «Янги йил йўқлови»ни, театр. Юлдузлари иштирокидаги байрам томошасини, янги «Қирол шер» саргузашт мультфильми премьерасини, «Қувноқ трамвай» ҳажвий тележурналини, «Бахтли воқеа» телелотереясининг байрам сонини, қизиқчи ва ҳофизлар иштирокидаги «Ойдин кечалар» бадиий-мусиқий кўрсатувини, энг муҳими, шу кунги кайфиятингизга мос тўрт соатлик «Янги йил базми»ни ҳамда бир-биридан қизиқарли турли роликлар, саҳналаштирилган кўрсатувлар, ҳангомалар, мусиқий учрашувларни томоша қилишингиз мумкин. Кўрсатувларимиз Сизни бефарқ қолдирмайди, деган умиддамиз. Янги йилни қандай кутиб олсангиз, йил бўйи шундай яшайсиз дейдилар. Ҳамиша байрам кайфиятида юринг! Байрамларда доим бирга бўлайлик!

«Ёшлар» телеканали

7.55 Кўрсатувлар дастури.
8.00 «Давр тонги».
9.00 «Янги авлод» студияси: «Уй вазифаси».
9.25 Қишки таътил экрани: «Хуа Мулан». Мультфильм премьераси.
10.45 Байрам тароналари.
11.00 Эколаш.
11.05 «Ёшлар» телеканалида премьера: «Оппоқ ой». Бадиий фильм.
12.35 Лаззат.
13.05 Байрам тароналари.
13.20 Эколаш.
13.25 «Ишқ сурури». Бадиий фильм.
14.55 Байрам тароналари.
15.10 Эколаш.
15.15 Спорт йилномаси.
15.35 Чемпион сирлари.
15.55 Ўзбекистон халқлари қўшиқлари.
16.10 «Соғлом авлод учун». Видеофильм.
16.35 Президент арчаси.
17.35 «Янги авлод» студияси: «Ким эпчил-у, ким чаққон?»
18.05 Байрам тароналари.
18.15 «Бунёдкорлик». 8-фильм. «Эзгулик ҳамиша ғолиб».
18.45 Олтин мерос.
18.55 Иқлим.
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.30 Байрам кўрсатувлари анонси.
19.35 «Обид-шоу».
20.30 Байрам тароналари.
20.40 «Заковат» интеллектуал ўйини.
22.00 «Ёшлар оқшоми».
23.45 Янги йил табриги.
00.05 Янги йил фантазияси.
1.05 «Ёшлар» телеканалида премьера: «Янги йил арафасида». Бадиий фильм.
2.40 Жаҳон эстрадаси юлдузлари.
3.30 Янги йилингиз қутлуғ келсин!

«Халқаро» телеканал

8.30 Кўрсатувлар тартиби.
8.35 «Клип-антракт».
8.40 Мультфильмлар тўплами.
9.10 «Тонгги юлдуз».
10.00 «Клип-антракт».
10.10 Д. Криловнинг «Йўлда ёзилмаган қайдлари».
10.30 «Лаззат».
10.50 Э. Рязановнинг «Тақдир ҳазили ёки қушдай енгил бўлинг!» комедияси.
14.10 Янги «Аралаш». Ҳажвий журнали премьераси.
14.20-15.00 «Ит Барбос ва ғаройиб кросс» комедияси.
17.30 Кўрсатувлар тартиби.
17.35 «Вақт хазинасидан».
17.55 «CNN шоу».
18.10 «Янги йил орзулари». Мусиқий дастур.
18.55 Янги «Аралаш». Ҳажвий журнали премьераси.
19.15 Е. Петросян ва Е. Степаненко «Оила қувончлари» спектаклида.
21.00 «Время».
21.50 «Оила қувончлари» спектаклининг давоми.
23.30 «РЖТда 2002 - Янги йил кечаси».
23.45 «Янги йил табриги».
00.05 «РЖТда 2002 - Янги йил кечаси» (давоми)
2.00 Премьера «Диканька яқинидаги хуторда оқшомлар». Мусиқий комедия.
3.35 «РЖТда 2002 - Янги йил кечаси» (давоми)

СЕШАНБА, 1

«Ўзбекистон» телеканали ЯНГИ ЙИЛИНГИЗ МУБОРАК БЎЛСИН!

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00 - 8.50 «Йилнома».
8.50 «Оппоқ олам қўшиқлари».
9.30 Байрам табриги.
9.35 «Янги йилим – яхши йилим».
9.55 «Қиёфа».
10.30 Байрам табриги.
10.35 «Спорт йилномаси».
11.05 Байрам табриги.
11.10 «Қувноқ трамвай». Ҳажвий тележурнал.
11.45 «Янги йил ўйлари».
11.50 «Ғўзалликдан яралган олам».
12.20 Байрам табриги.
12.25 Телевизион миниатюралар театри.
13.40 «Тилсимой – ғаройиб қизалоқ». Болалар учун фильм премьераси.
14.50 Байрам табриги.
14.55 «Муҳофаза».
15.30 «Ракс қироли». Мусиқий фильм.
16.30 Байрам табриги.
16.35 «Жиззахда Янги йил».
17.00 Байрам табриги.
17.05 «Дўстлик гулдастаси».
17.45 «Кўзмунчоқ»нинг Янги йил саргузаштлар».
18.05 Байрам табриги.
18.10 «Доктор-шоу».
18.50 «Сарҳисоб».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эртаклари.
20.15 «Бир жуфт қўшиқ».
20.30 «Ахборот».
21.05 «Чимён тароналари». 1-қисм.
21.35 «Келин-куёв». Телешоу.
22.45 «Иш билганга – минг танга».
23.35 «Ахборот».
00.10 «Тақдир эшиги». Бадиий фильм премьераси.
1.25-01.30 Ватан тимсоллари.

«Ёшлар» телеканали

7.55 Кўрсатувлар дастури.
8.00 «Давр тонги».
9.00 «Янги авлод» студияси: «Ким эпчил-у, ким чаққон?»
9.30 Қишки таътил экрани: «Самовий раққоса». Мультфильм премьераси.
10.20 «Заковат» интеллектуал ўйини.
11.40 Янги йил фантазияси.
12.40 Эколаш.
12.45 Байрам тароналари.
13.10 Очил дастурхон.
13.25 «Ёшлар» телеканалида премьера: «Кумуш тойчоқ». Бадиий фильм.
14.55 Байрам тароналари.
15.10 Эколаш.
15.15 «Мульттомоша».
15.30 «Умид юлдузлари». Ёш истеъдодлар фестивалининг якуний босқичи.
16.50 «Бунёдкорлик». 8-фильм. «Эзгулик ҳамиша ғолиб».
17.20 Байрам тароналари.
17.30 Эколаш.
17.35 «Зинама-зина».
18.05 Ҳандалак.
18.45 Байрам тароналари.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.30 «Маслаҳат». 1-қисм.
20.10 Олтин мерос.
20.15 «Маслаҳат». 2-қисм.
21.05 «Шаҳзод» даврага чорлайди.
22.00 «Давр». Ахборот дастури.
22.30 Байрам тароналари.
22.40 «Севги фантазияси».
1.20-1.25 Хайрли тун!

«Халқаро» телеканал

8.00 Кўрсатувлар тартиби.
8.05 Янги йил – янги кун. Лавҳа.
*
8.10 «Оқ сўйлоқ». Саргузашт фильм.
*
10.00 «Клип-антракт».
*
10.10 Фигурали учиш. Россия чемпионати.
11.30 «Лаззат».
11.50 «Каспер» кинокомедияси.
13.30 Янги «Аралаш». Ҳажвий журнал премьераси.
14.00-15.00 Е. Петросян, Е. Степаненко, Е. Шифрин ва М. Галкин байрам кўрсатувида.
*
17.00 Кўрсатувлар тартиби.
17.05 «Бугун оламда». Ахборот кўрсатуви.
17.15 «Х-спорт».
17.35 «Олтин граммофон». Сайланма.
*
18.10 Янги йил премьераси. «Зарбдор куч».
19.10 «2001 - йил қўшиқлари» 1-қисм.
*
22.55 «Тенгдошлар». Янги йил сони.
00.05 «Қалб қанотлари». Сериал.
00.45 «Ахборот» (рус тилида)
1.10 «Тунингиз осуда бўлсин!»

ЧОРШАНБА, 2

«Ўзбекистон» телеканали

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00 -8.35 «Ахборот».
8.35 ТВ-маркет.
8.40 Газеталар шарҳи.
8.55 «Ўзбектелефильм» намойиши: «Хива гилами».
9.05 «ТВ-клуб».
9.30 «Шумтакалар». Мультсериал.
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар
10.05 Алифбо сабоқлари.

Ўқувчиларнинг қишки таътил кунларида:

10.25 «Бешбармоқ». Тележурнал.
10.45 «Алиса ғаройиботлар мамлакатида». Мультфильм.
12.05 «Камолот сари».
12.20 «Кўзмунчоқ»нинг Янги йил саргузаштлари.
12.40 «Ўзбекистон ифтихори». Спорт дастури.
13.10 «Балли, раислар!» Телемусобақа.
14.10 «Остонаси тиллодан».
14.35 ТВ анонс.
14.40 Кундузги сеанс: «Кичкина табиб». Бадиий фильм.
16.05 «Сарҳисоб».
16.35 «Чимён тароналари». 1-қисм.
17.05 Болалар учун. «Қўғирчоқлар – менинг дўстларим».
17.25 «Ягона оилада».
18.10 «Ўрмон чемпиони». Мультфильм премьераси.
18.20 «Қумсоат».
18.40 «Қўшиғимиз сизга армуғон».
19.05 «Инсон ва қонун».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00, 21.55 Эълонлар
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эртаклари.
20.15 «Бир жуфт қўшиқ».
20.30 «Ахборот».
21.05 «Чимён тароналари». 2-қисм.
21.35 «Бугуннинг гапи».
22.00 «Олам». Телеальманах.
22.35 «Ахборот».
23.10 - 23.15 Ватан тимсоллари.

«Ёшлар» телеканали

8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 «Янги авлод» студияси: «Янги йилим–яхши йилим».
9.20 Қишки таътил экрани: «Соҳибжамол ва маҳлуқ». Мультфильм.
10.40 Кинотақдим.
11.00 Мусиқий лаҳзалар.
11.10 Ёшлар овози.
11.30 Ҳайрат.
11.50 «Кусто командасининг сувости саргузаштлари». Телесериал.
12.35 «Ёшлар» телеканалида спорт: Теннис.
13.10 Байрам тароналари.
13.25 «Учинчи сайёра» маърифий дастури.
14.15 «Зита ва Гита». Бадиий фильм. 1-қисм.
15.25 Мусиқий лаҳзалар.
15.35 «Зита ва Гита». Бадиий фильм. 2-қисм.
16.45 Спорт йилномаси.
* * *
17.05 Кўрсатувлар дастури.
17.10 «Янги авлод» студияси: «Оқ кабутар».
17.30 «Мени тушун» Телеўйин.
18.00 Ракурс.
18.20 Оқшом наволари.
18.30 Далил ва шарҳ.
18.45 Каталог.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.30 Иқтисод-news.
19.35 ТВ-анонс.
19.40 Мусиқий лаҳзалар.
19.45 Очил дастурхон.
20.00 Спорт-лотто.
20.10, 21.00, 22.35 Эълонлар.
20.15 «Ёшлар» телеканалида премьера: «Жек ва ловия пояси». Бадиий фильм. 1-қисм.
21.05 Сиз севган гуруҳ: «Сетора».
22.00 «Давр». Ахборот дастури.
22.30 Иқтисод-news.
22.40 «Муҳаббат қаҳваси». Телесериал.
23.05 «Ёшлар» телеканалида спорт: Интерфутбол.
23.50 «Давр». Ахборот дастури.
00.50-00.55 Хайрли тун!

«Халқаро» телеканал

15.30 Кўрсатувлар тартиби.

15.35 «Мультчархпалак».
15.45 «2001 йил қўшиқлари» 2-қисм.
*
18.00 «Бугун оламда». Ахборот кўрсатуви.
18.15 «2001 йил қўшиқлари» 2-қисм (давоми)
19.45 «Ким миллионер бўлишни истайди?». Янги йил сони.
21.00 «Время».
21.25 «Бир само остида». Видеофильм.
21.50 Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар.
22.15 «ТВ-клуб».
22.40 «23,5 даражали бурчак остида». Телесериал премьераси. 55- қисм.
23.05 «Ахборот».
23.40 – 23.45 Ватан тимсоллари.

«Ёшлар» телеканали

8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 «Давр». Ахборот дастури.
9.15 «Янги авлод» студияси: «Оқ кабутар», «Янги йилим–яхши йилим».
9.55 «Мульттомоша».
10.10 Спорт қитъаси.
10.40 Сенинг вақтинг.
11.00 «Муҳаббат қаҳваси». Телесериал.
11.25 Мусиқий лаҳзалар.
11.35 Тафаккур ёлқинлари.
11.50 Қишки таътил экрани: «Ғаройиб тўти Поли».
13.15 Ракурс.
13.35 «Жек ва ловия пояси». Бадиий фильм. 1-қисм.
14.20 Интерфутбол.
15.55 Далил ва шарҳ.
16.10 «Учинчи сайёра» маърифий дастури.
17.00 Мусиқий лаҳзалар.
* * *
17.10 Кўрсатувлар дастури.
17.15 «Янги авлод» студияси: «Алифбе байрами».
17.35 Мультфильм.
17.55 Жараён.
18.25 Табобат оламида.
18.45 Оқшом наволари.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.30 Иқтисод-news.
19.35 ТВ-анонс.
19.40 «Давр»-интервью.
19.55 «Ёр ишқи». Мусиқий дастур.
20.10 Ёшлар овози.
20.30, 21.20, 22.35 Эълонлар.
21.05 Санъат усталарининг концерти.
21.40 «Саҳна ҳаёти».
22.15 «Олам». Телеальманах.
22.50 «Ахборот».
23.25 -23.30 Ватан тимсоллари.

«Ёшлар» телеканали

8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 «Давр». Ахборот дастури.
9.15 «Янги авлод» студияси: «Алифбе байрами».
10.50 «Қувноқ сехргарлик». Бадиий фильм.
11.55, 12.45, 13.55 ТВ анонс.
12.05 «Бахтимизга омон бўлинг».
12.25 «Ёшликми ёки бебошлик?»
12.50 «23,5 даражали бурчак остида». Телесериал. 55-қисм.
13.15 «Ойдин кечалар». Бадиий-мусиқий дастур.
14.10 «Ўйла, изла, топ». Телемусобақа.
14.45 Кундузги сеанс: «Бегоналарнинг кириши мумкин эмас, мумкин». Бадиий фильм.
15.55 Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар.
16.20 «Ҳуқуқ сабоқлари».
16.35 ЎзТВ хазинасидан. «Парвона». Спектакль. 2-қисм.
17.40 «Президент асарлари билимдони». Республика кўрик танлови.
18.10 «Куч нимада?» Мультфильм премьераси.
18.20 «Олтин мерос».
18.25 «Омад қувончи». Телелотерея.
19.05 «Зиё» студияси намойиш этади: «Эътиқод мустаҳкамлиги йўлида».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00, 21.35 Эълонлар
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эртаклари.
20.15 «Орзулар довони».
20.30 «Ахборот».

21.35 «Қалб қанотлари». Сериал.
22.15 «ТВ-4да Немис тўлқини».
22.35 «Клип-антракт».
22.45 Кинематограф. «Сибирлик сартарош». Бадиий фильм. 1-қисм.
00.10 «Ахборот» (рус тилида)
00.35 «Тунингиз осуда бўлсин!»

ПАЙШАНБА, 3

«Ўзбекистон» телеканали

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00 - 8.35 «Ахборот».
8.35 ТВ маркет.
8.40 Газеталар шарҳи.
8.55 «Ўзбектелефильм» намойиши: «Сеҳрли камон».
9.05, 10.25 ТВ метео.
9.10 «Бугуннинг гапи».
9.30 «Шумтакалар». Мультсериал.
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар

Ўқувчиларнинг қишки таътил кунларида:

10.05 «Болаликнинг мовий осмони».
10.30 «Аёз бобо». Бадиий фильм.
11.55 ТВ анонс.
12.05 «Олов – тилсиз ёв».
12.25 «Президент арчаси».
13.40 «Ватан ягонадир».
14.10 «Иш билганга – минг танга».
15.00 «Экспедиция». Телесериал. 25-қисм.
15.50 «Ринг». Спорт дастури.
16.25 «Чимён тароналари». 2-қисм.
16.55 ЎзТВ хазинасидан: «Парвона». Спектакль. 1-қисм.
17.45 «Харита». Халқаро шарҳ.
18.10 Болалар учун. «Кичкинтоймиз-гижингтоймиз».
18.30 «Яхши ният». Телелотерея.
19.05 «Куйла, ёшлигим».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эртаклари.
20.15 FCN «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида)
20.30 «Ахборот».
21.05 «Парламент вақти».
20.35 «Жек ва ловия пояси». Бадиий фильм. 2-қисм.
21.25 XXI аср шеъриятидан.
21.30 Мезон.
21.50 Олтин мерос.
22.00 «Давр». Ахборот дастури.
22.30 Иқтисод-news.
22.40 «Муҳаббат қаҳваси». Телесериал.
23.05 «Ёшлар» телеканалида спорт: Интерфутбол.
23.50 «Давр». Ахборот дастури.
00.50-00.55 Хайрли тун!

«Халқаро» телеканал

РЖТ 7.30-9.00
*
17.00 Кўрсатувлар тартиби.
17.05 «Бугун оламда». Ахборот кўрсатуви.
17.15 «Каменская». Сериал.
18.00 «Вести».
18.30 «Қушдек енгил бўлинг!» Янги йил дастури.
19.00 «Муҳаббат замини». Сериал.
20.00 «Заиф бўғин». Ўйин шоуси.
21.00 «Время».
21.35 «Қалб қанотлари». Сериал.
22.15 «Соккер-клуб».
22.35 «Клип-антракт».
22.45 Кинематограф. «Сибирлик сартарош». Бадиий фильм. 2-қисм.
00.10 «Ахборот» (рус тилида)
00.35 «Тунингиз осуда бўлсин!»

ЖУМА, 4

«Ўзбекистон» телеканали

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00 - 8.35 «Ахборот».
8.35 ТВ-маркет.
8.40 Газеталар шарҳи.
9.00 «Ўзбектелефильм» намойиши: «Мусаввир», «Тошлар тилга кирганда».
9.25, 10.25 ТВ метео.
9.30 «Шумтакалар». Мультсериал.
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар
10.05 «Инсон ва замин».

Ўқувчиларнинг қишки таътил кунларида:

10.30 Болалар учун. «Кичкинтоймиз-гижингтоймиз».
10.50 «Қувноқ сехргарлик». Бадиий фильм.
11.55, 12.45, 13.55 ТВ анонс.
12.05 «Бахтимизга омон бўлинг».
12.25 «Ёшликми ёки бебошлик?»
12.50 «23,5 даражали бурчак остида». Телесериал. 55-қисм.
13.15 «Ойдин кечалар». Бадиий-мусиқий дастур.
14.10 «Ўйла, изла, топ». Телемусобақа.
14.45 Кундузги сеанс: «Бегоналарнинг кириши мумкин эмас, мумкин». Бадиий фильм.
15.55 Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар.
16.20 «Ҳуқуқ сабоқлари».
16.35 ЎзТВ хазинасидан. «Парвона». Спектакль. 2-қисм.
17.40 «Президент асарлари билимдони». Республика кўрик танлови.
18.10 «Куч нимада?» Мультфильм премьераси.
18.20 «Олтин мерос».
18.25 «Омад қувончи». Телелотерея.
19.05 «Зиё» студияси намойиш этади: «Эътиқод мустаҳкамлиги йўлида».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00, 21.35 Эълонлар
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эртаклари.
20.15 «Орзулар довони».
20.30 «Ахборот».
21.05 «Ўзбекистон – Ватаним маним!».
21.35 «Шанба оқшомида».
22.15 «Ахборот».
«Тунги ёғду» дам олиш кинодастури.
22.50 «Аёл таровати». Бадиий фильм. 1-қисм.
00.10-00.15 Ватан тимсоллари.

«Ёшлар» телеканали

7.55 Кўрсатувлар дастури.
8.00 «Давр тонги».
9.00 «Янги авлод» студияси: «Келинг танишайлик: «Севинч» гуруҳи.
9.35 «Мульттомоша».
9.50 Ёшлар овози.
10.10 Аср қиёфаси.
10.30 Лаззат.
11.00 «Муҳаббат қаҳваси». Телесериал.
11.25 Вилоятларнинг ёш хонандалари куйлайди.
11.40 «Ёшлар» телеканалида спорт: Ринг қироллари.
12.40 Кутилмаган меҳмон.
13.00 «Жек ва ловия пояси». Бадиий фильм. 3-қисм.
13.45 Бола тилидан.
14.15 Чемпион сирлари.
14.35 «Ёшлар» телеканалида спорт: Теннис.
15.10 «Баракали умр». Бадиий фильм.
16.40 Кўрсатувлар дастури.
16.45 «Янги авлод» студияси: «Катта танаффус».
17.10 Ёшлар овози.
17.30 «Саломатлик сирлари».
17.50 Оқшом наволари.
18.00 Футбол плюс.
18.20 Бизнес-академия.
18.35 Мусиқий лаҳзалар.
18.45 Каталог.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.30 Синфдош.
20.00 Ватан ҳимоячилари куни олдидан. «Юрт посбони». Мусиқий дастур.
20.15, 21.05, 22.30 Эълонлар.
20.20 «Жек ва ловия пояси». Бадиий фильм. 4-қисм.
21.10 Ҳандалак.
21.50 Олтин мерос.
22.00 «Давр». Ахборот дастури.
22.35 Тунги тароналар.
22.45 «Кечиккан балиқ ови». Бадиий фильм.
00.10-00.15 Хайрли тун!

«Халқаро» телеканал

9.00 Кўрсатувлар тартиби.
9.05 «Дурдаршан».
9.30 «Соккер-клуб».
9.50 «CNN шоу».
10.05 «Клип-антракт».
10.10 Е. Петросяннинг Кулги панорамаси.
10.45 «Лаззат».
11.05 «КВН». 40 йил лавҳалари.
12.00 «Ҳайвонот олами».
12.40 «Сиҳат - саломатлик».
13.20 А. Демьяненко. «Эслашлари учун».
14.00 «CFI янгиликлари».
14.10 «Инглиз тили Сиз учун». Болалар учун кўрсатув.
14.35 Дўстлик видеоканали: «Ягона оилада», «Бизнен мирас».
15.35-16.05 «Немис тили».
18.00 Кўрсатувлар тартиби.
18.05 «Бинафша».
18.25 «Мюзик-холл».
18.55 «Ким миллионер бўлишни истайди?» Телеўйин.
19.55 «Сўнгги қаҳрамон».
21.00 «Время».
21.35 «Нима? Қаерда? Қачон?»
22.45 «Сичқон ови». Кинокомедия.
00.40 «Ахборот» (рус тилида)
1.05 «Тунингиз осуда бўлсин!»

ЯКШАНБА, 6

«Ўзбекистон» телеканали

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот».
8.35 «Камалак». Болалар учун кинодастур.
9.05, 11.20 ТВ метео.
9.10 «Ғаройибот».
9.30 «Шумтакалар». Мультсериал.
10.00 «Ватанимга хизмат қиламан».
11.00 «Она меҳри».
11.25 Болалар учун фильм. «Пан Кляксанинг саргузаштлари». 1-қисм.
12.45 «Ёнимиздаги одам». Бадиий-публицистик кўрсатув.
13.05 «Пан Кляксанинг саргузаштлари». Бадиий фильм. 2-қисм.
14.20, 15.15, 16.55 ТВ анонс.
14.25 «Мўъжизалар майдончаси». Телевизион ўйин.
15.20 «Қўҳна замин оҳанглари».
15.50 «Ёнғоқ новдаси». Мультфильм.
16.10 «Бу ажиб фасл». Телеальманах.
16.35 «Қалб гавҳари».
17.00 «Оқ олтин». Телелотерея.
17.30 «Ҳазил, ҳажв, ҳангома».
18.00 «Алпомиш авлодлари». Спорт дастури.
18.20 «Олтин тож». Телевизион ўйин.
18.45 «Қўшиғимиз сизга армуғон».
19.05 «Тўртинчи ҳокимият».
19.25, 19.55, 20.25, 21.10 Эълонлар
19.30 «Таҳлилнома» (рус тилида)
20.05 «Оқшом ёғдулари». «Ўзбектелефильм» премьераси.
20.30 «Таҳлилнома».
21.15 «Якшанбада сиз билан бирга».
«Якшанба кинозали».
21.40 «Кино оламида».
22.10 «Аёл таровати». Бадиий фильм. 2-қисм.
23.30-23.35 Ватан тимсоллари.

«Ёшлар» телеканали

7.55 Кўрсатувлар дастури.
8.00 «Давр тонги».
9.00 «Янги авлод» студияси: «Катта танаффус».
9.25 Табобат оламида.
9.45 Футбол плюс.
10.05 Жаҳон жуғрофияси.
10.55 Ёшлар овози.
11.15 Қишки таътил экрани. «Соҳибжамол ва маҳлуқ-2».
12.25 Очил дастурхон.
12.45 Аскар мактублари.
13.00 «Жек ва ловия пояси». Бадиий фильм. 4-қисм.
13.45 Мультфильм.
14.30 Футбол-202.
15.15 Мусиқий лаҳзалар.
15.30 «Янги йил арафасида». Бадиий фильм.
17.00 Кўрсатувлар дастури.
17.05 «Янги авлод» почтаси, «Олтин калит».
17.35 «Мульттомоша».
17.50 Якшанбада кўришгунча.
18.05 «Учинчи сайёра» маърифий дастури.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 «Давр»- news.
19.20 Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Қурсия Эсонова куйлайди.
19.35 «Зинама-зина».
20.05, 22.30 Эълонлар.
20.10 Ёшлар оқшоми.
22.00 «Давр» ҳафта ичида.
22.35 «Гул мавсуми, ёмғир мавсуми». Бадиий фильм.
00.10-00.15 Хайрли тун!

«Халқаро» телеканал

9.00 Кўрсатувлар тартиби.
9.05 «Кайфият». Дам олиш дастури.
10.10 Д. Криловнинг «Йўлда ёзилмаган қайдлари».
10.30 «Ҳамма уйдалигида».
11.05 «Кутқарувчилар». Тезкор ёрдам».
11.35 «Парле ву франсе?»
12.00 FCN «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида)
12.10 Болалар соати: «Барби ва Шелкунчик». Бадиий фильм.
13.25 «Экран зийнати ва қиймати».
13.50 «Британия кундалиги».
14.10-15.10 «Дўстлик» видеоканали: «Айчурек», «Дидар».
16.30 Кўрсатувлар тартиби.
16.35 «Мультчархпалак».
16.55 «До-ми-соль шоу». Болалар учун кўрсатув.
18.15 «Мени кутгил».
19.15 Г. Польских ва Н. Караченцов «Оқ шудринг» комедиясида.
21.00 «Время».
21.30 «Ҳикоя».
21.50 «Клип-антракт».
22.00 «Етти кун». Ҳафта якунлари.
22.25 Кинематограф. «Шафқатсиз романс». Бадиий фильм.
00.40 «Таҳлилнома».
1.10 «Тунингиз осуда бўлсин!»

ҲУҚУҚШУНОС МАСЛАҲАТИ

Савол: Меҳнат шартлари қандай тартибда ўзгартирилади?

А.ҚОСИМОВ,
Тошкент вилояти.

Жавоб: Биринчидан, меҳнат шартлари, улар қайси тартибда белгиланган бўлса, шундай тартибда ўзгартирилиши мумкинлигини назарда тутувчи умумий қоида (Меҳнат кодекси 88-моддасининг бешинчи қисми)дан келиб чиқиб, хулоса чиқариш мумкинки, қонун ҳужжатлари билан белгиланган меҳнат шартларини тегишли қонун ҳужжатларини қабул қилиш билан ўзгартириш мумкин. Бунда қонун ҳужжатларида назарда тутилган меҳнат шартларини ўзгартириш қонуний бўлишлигини аниқлаш учун:

-илгариги меҳнат шартлари қандай қонун ҳужжати билан белгиланганлигини;

-янги қонун ҳужжати қачон ва ким томонидан қабул қилинганлиги ёки илгари амал қилган қонун ҳужжатларига ўзгартириш киритилганлигини;

-қачондан бошлаб ва қандай тартибда янги меҳнат шартларининг жорий этилиши назарда тутилаётганлигини аниқлаб олиш зарур бўлади.

Қонун ҳужжатларида назарда тутилган меҳнат шартларини кўриб чиқилаётган тартибда ўзгартириш фақат Конституция ва Қонуннинг устуворлиги қоидасига риоя қилинган тақдирдагина қонуний бўлади.

Иккинчидан, Меҳнат кодекси 4-моддасининг иккинчи қисмига биноан жамоа келишувлари, шунингдек, корхонанинг жамоа шартномалари ёки бошқа локал ҳужжатлари ёхуд ходим ва иш берувчи ўртасида тузилган меҳнат шартномасида ходимлар учун қонун ҳужжатларидагига нисбатан қўшимча меҳнат ҳуқуқлари ва кафолатлари белгиланиши мумкин.

Бинобарин, қонун ҳужжатлари томонидан белгиланган меҳнат шартлари жамоа келишувида, шунингдек, локал ёки индивидуал шартномавий тартибда ходим учун қулай тарафга ўзгартирилиши (кисқартирилган иш вақтини белгилаш, қонун ҳужжатларида назарда тутилмаган ҳақ тўланадиган узайтирилган ёки қўшимча таътиллар, қонун ҳужжатларида назарда тутилганига нисбатан оширилган энг кам иш ҳақи миқдори, ишдан ташқари вақтда, дам олиш ва байрам кунлари, тунги вақтда бажарилган ишлар учун Меҳнат кодексида белгиланганига нисбатан оширилган ҳақ тўлаш ва бошқалар) мумкин.

Айни пайтда шуни эсда тутиш керакки, меҳнат ҳақидаги келишувлар ва шартномаларнинг ходимлар аҳволини меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ва бошқа норматив ҳужжатларда назарда тутилганига қараганда ёмонлаштирадиган шартлари ҳақиқий эмас деб ҳисобланади (Меҳнат кодексининг 5-моддаси).

Демак, на жамоа келишувида, на жамоа шартномаси ёки корхонанинг бўлак локал ҳужжатларида, на иш берувчи билан ходим ўртасидаги келишув бўйича қонун ҳужжатларида назарда тутилган меҳнат шартлари ходим учун ноқулай томонга ўзгартирилиши (иш вақтини қонунда қайд қилинган энг юқори даражадан узайтириш, қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам иш ҳақи миқдоридан оз миқдорда ҳақ тўлаш, қонун ҳужжатларига мувофиқ унга тегишли бўлганидан қисқа муддатли таътил берилиши, ишдан ташқари вақтда дам олиш ва байрам кунларида, тунги вақтда бажарилган ишлар учун Меҳнат кодексида кафолатланганидан кам миқдорда ҳақ тўлаш ва шу кабилар) мумкин эмас.

Мабодо жамоа келишуви, корхонанинг локал ҳужжатлари ёки меҳнат шартномаси билан барибир ходимнинг аҳволи қонун ҳужжатларидагига нисбатан ёмонлаштириб қўйилган бўлса, бу ҳужжатларнинг тегишли шартлари юридик кучга эга эмас, деб топилади, яъни иш берувчи ходимга қонун ҳужжатларида назарда тутилган меҳнат шартларини яратиб бериши керак.

Шундай қилиб, қонун ҳужжатларида белгиланган меҳнат шартлари ходимлар меҳнат ҳуқуқларининг кафолати сифатида намоён бўлади ва на локал тартибда, на меҳнат шартномаси тарафлари келишувига кўра ходим учун ноқулай томонга ўзгартирилиши мумкин эмас.

Саволга жавобни ҳуқуқшунос Э.САЙИТОВ тайёрлади.

ИСМИ БИЛАН ТУҒИЛГАН БАХШИ

(Боши 1-бетда)

-Санъатга қизиқишингиз қачон бошланган?

-Жуда ёшлигимдан. 7-синфда ўқийдиган пайтимда Қашқар рубоби чалиб, Низомий ва Камина сўзи билан "Ўзгача", "Келди қалам қошли қиз" ашулаларини айтардим. Ўша вақтлари туман маданият бўлимига қатнаб, илк устозим Ўктамбой Хўжаевдан сабоқ олганман.

-Сиз мумтоз ва замонавий ашулаларни маромига етказиб айтсангиз ҳам мухлислар сизни асосан бахши сифатида танишади.

-Мен бошланғич синфларда ўқиган пайтларимдаёқ достон ўқишга қизиқиб, "Гўрўғли", "Авазхон", "Равшан ва Зулхумор" достонларини, атоқли шоир Махтумқулининг туркман тилида чиққан шеърий китобини тинмай ўқирдим.

1966 йилда туманимизга Шариф Султонов ва Гулсара Ёқубовалар бошчилигида "Лазги" ансамбли келиб томоша берди. Таниқли хонандалар ҳузурида "Қани келтир мен ўқиган хатингни" деган қўшиғимни айтганман. Уларнинг баҳосидан руҳланиб достон қўшиқларидан, кейинчалик эса достонларни тўлалигича куйлай бошладим.

-Демак, бахшилик ижодингиз бошланган. Шу ўринда "бахши" сўзига изоҳ бериб ўтсангиз?

-Бу сўз қадимий Хоразм тилида "раҳнамо", "устоз", "йўлбошчи" каби сўзларнинг синоними сифатида қўлланилган. Баъзи манбаларда – "билимли", "ўқимишли" деган маъноларни ҳам билдирган. Ҳозирда достон куйловчиларга бахши дейилади.

-Маълумки, ўзбек достончилигининг Сурхон, Қорақалпоқ, Нурота, Хоразм каби мактаблари мавжуд. Бизнинг достончилигимизнинг ўзига хос хусусияти нимада?

-Хоразм достонлари халқимиз дунёқарашининг бадиий ифодаси десам тўғри бўлар. Шунинг учун ҳам унга айтиладиган ҳар бир сўз, дилларга оқувчи куй ва қўшиқлар кишиларимиз юрагига яқин. Бахшилар ҳамиша одамлар қалбидаги ҳиссиётларни, орзу-умидлар, дард-аламларни куйлаб келганлар. Уларда тўғрилик, ҳалоллик, мардлик, вафодорлик ғолиб бўлиб келган.

Достонларимизнинг ўзига хослиги шундаки, улар сўз ва соз жўрлигида ижро этилади. Асосий ғоя ўзига хос куйлар қанотида нақадар мазмундор. Ўйноқи қўшиқлар орқали юракларга бориб етади. Дилларни хушнуд этади.

-Бахшичиликдаги асосий устозингиз ким?

-Муваффақиятларим – Хоразм достонларининг моҳир ижрочиси, бу йўлда ўзига хос мактаб яратган Бола бахши Абдуллаев (раҳматлик) қўл берганимдан деб биламан. Илк сабоқни у кишидан олдим. Устоз биз шогирдлардан ҳеч вақтини ҳам, меҳнатини ҳам аямаган. 1980 йилларда "Ошиқ Маҳмуд", "Бозиргон", "Ошиқ Ғариб ва Шоҳсанам" каби достонларни ўрганиб айта бошладим. Ҳаммасини устоз назаридан ўтказганман.

-Сизни савдо ходими ҳам бўлган дейишади. Қандай оилада вояга етгансиз?

-Тўғри, ўрта мактабни тугаллаб, савдо техникумига кириб ўқидим. Шу соҳада каттагина вазифаларда ҳам ишладим. Лекин ҳеч қачон санъатни ташламадим. Оиламизга келсак, отам Норматвой Ваисов оддий деҳқон бўлса-да, халқ достонларига қизиққан одам эди. "Юсуф Аҳмад" достонини, Маҳтумқулининг кўп шеърларини ёддан билар:

Кўзлари оладир, ўлдир бу қулни,
Жонингга балодир ўлдир бу қулни.

ёки Маҳтумқулидаги:

Ҳар номардга айтма дарду сирингни,
Ҳасрат ўти жисми ёққанча бўлмас.

каби мисраларни доимо хиргойи қилиб юрарди.

-Ҳозир қайси достон устида ишлаяпсиз?

-Айни кунларда "Юсуф Аҳмад" достонини ўрганяпман. Сўнгра замонавий достонлар айтиш ниятим бор.

-Шогирдларингиз ҳақида тўхталсангиз.

-Шовот туманидаги достон айтишга иқтидори бор ёшларни жамлаб, "Авазхон" ансамбли тузганман. Унинг қатнашувчиларидан Анвар Матёқубов, Низомиддин Рўзметов, Собиржон Йўлдошев ва ўғлим Достонбек Норметовлар умидли шогирдларим ҳисобланади.

-Газетхонлар ва мухлисларингизга тилакларингиз?

-Мана янги йил арафасида турибмиз. 2002 йил барча инсониятга бахт-саодат келтирсин. Достонлардаги севги-муҳаббат, ватанпарварлик, мардлик, жасорат кишиларимизни тарк этмасин. Ҳар бир хонадонда қўшиқлар жаранглаб турсин.

Суҳбатдош: Холмурод ҚУРБОНОВ.

"ПОЙГАЧИ"

(Боши 1-бетда)

-Гапингизни қаранг-га, ўғилларимизда мошина бўла туриб, эшак минаманми?

-Э пишмаган хом калла, улар ўзининг иши, ташвишлари билан юришганида, овора қилиб нима қиласан? Кейин эшак жонивор йўл танламайди, бензин демайди, запчаст демайди. Озгина пичан билан сув бериб турсанг бўлди. У ерда тоғда зотдор эшаклар кўп бўлади.

Ҳайдар ота, бу кунига ошнасига атаб бироз бозорўчар қилди-ю, ҳайё-ҳуйт деб йўлга тушди.

Ҳовлидаги тутнинг тагида эндигина бир пиёла чойни ичиб, нафасини ростлаб бўлган Исмат ота дарвозадан кулганича лапанглаб келаётган дўстини кўриб, кўзларига ишонмади.

-Ие-ие-ие, Ҳайдармисан? Вой ошнажон-ей, қанақа шамоллар учирди а?! Уч-тўрт кундан бери тушимга кириб юргандинг, қара-я, Хизр бувани йўқласам ҳам бўларкан!

-Ана, шунақа, сен йўқламасанг ҳам, мен йўқлаб келдим! Бир-бирингни кўриб турмасанг, одам соғинаркан жўра!

Иккала дўст, бир-бирларига гап бермай роса ўпкалашишди. Анча-мунча ҳасратлашишиб, хизмат даврларини ҳам эслашди. Исмат отаям оғайним келиб қолди, деб, меҳмоннинг ҳай-ҳайлашига ҳам қарамасдан, оёғи тагига битта қўчқорни "думалатиб" юборди. Қўни-қўшнилар чиқишди, гурунг ярим кечагача давом этди.

Исмат ота дўстининг мақсадини билгач, ҳаммасини унинг айтганидан ҳам зиёда қилиб бажарди. Фақат биттагина муаммо бор эди, эшакни қандай қилиб олиб кетиш керак? Ҳаш-паш дегунча бу муаммо ҳам ҳал бўлди. Исмат отанинг қўшниси Элмурод юк машинада Ховосга иш юзасидан борадиган бўп қопти, йўл-йўлакай олиб кетадиган бўлди.

Эрталаб саҳар пайти Ҳайдар ота ошнаси билан хайр-хўш қилгунига қадар мошина ҳам етиб келди. Ҳаммаси ҳай-ҳайлашиб эшакни мошина тепасига олиб чиқишди-ю, Элмурод безовта бўлиб қолди...

-Бу аҳволда бўлмайди, оталар, йўлда ДАН ходимлари қўймайди!?

-Унда нима қилайлик ўғлим?

-Менимча оёғини боғлаб, ётқизиб қўйса ҳеч бало бўлмайди. Йўлдаям тўхтатишмайди. Қарабсизки, бир зумда Гулистондасиз-да...

Шофёрнинг ҳам сазаси ўлмасин, деб, болалар бир зумда эшакнинг оёғини боғлаб кўринмайдиган қилиб ётқизиб қўйишди. Ҳайдар ота яна бир бор овора қилганига узр сўраб ҳамма билан хайрлашди.

Узоқ йўлда ёнингда шерик бўлганига нима етсин. Ҳаш-паш дегунча гап билан бўлишиб Жиззахга кираверишдаги ДАН постига ҳам етиб келиб қолишди. Бу гал нимагадир йўл чеккасида турган ДАН ходими, йўлга чиқиб қўлидаги таёқчаси билан мошинани тўхташга имо қилди.

Ҳайдар ота билан Элмурод машина кабинасидан тушишгаям улгурмасларидан ДАН ходими ҳозиру нозир бўлди.

-Йўл инспектори, кичик сержант Мажидов! Хўш мошинада нима олиб кетаяпсизлар?

-Ҳеч нарса олиб кетаётганимиз йўқ! – деди Элмурод ҳужжатларини узатаркан.

-"Ҳеч нарса" денг, мийиғида нимтабассум билан қайта сўради инспектор.

-Мана бу турган жонзот нима бўлмаса-а?!

Ҳайдар ота билан Элмурод ялт этиб орқаларига қарашди. Не кўз билан кўришсинки, боя шошилишда болалар эшак оёғини бақувват боғлашмаган шекилли, ўзини бўшатиб эркинликка чиқиб олган шалпангқулоқ керилганича буларга ҳайратомуз кўзларини тикиб турарди.

-Энди Элмуроджон ҳужжатингиздан ажралишингизга тўғри келади. Бунақа юк билан катта трассада юриш мумкин эмаслигини билсангиз керак-а?!

-Акажон ҳалиги, анақа... Ота, айтсангиз-чи, ахир...

Гангиб турган Ҳайдар ота хаёлига келган фикрдан ўзиям севиниб кетди...

-Инспектор болам, сен уни қийнамагин. Гапимизни диққат билан эшитгин. Эртага Гулистонда катта спорт ўйини бўлади. Эшитган бўлсанг керак.

-Қанақа спорт ўйини? - ҳайрон бўлиб сўради инспектор.

-Ие, кўпчилик бехабар шекилли. Эртага шаҳар отчопарида бошқа ўйинлар қаторида, чоллар ўртасида эшак минганлар пойгаси ўтказилади. Бу эшак ўша пойгада қатнашиши керак, мен билан биргаликда! Билдинг!?

Инспекторнинг ҳайратдан оғизлари очилиб қолди.

-Қойил-е, munaqasini ҳали эшитмаган эканман. Хизматчилик билан бўлиб кўп янгиликлардан бехабар қолибмизда! Мана ҳужжатлар. Узр отам, узр! Омад ёр бўлсин, пойгада биринчи ўринни олинглар! Хайр!!!

Устига пешонаси қашқа, шалпангқулоқ эшак ортган бортовой машина катта трасса бўйлаб, Гулистон томон йўлга равона бўлди. Спортга ишқибоз инспектор эса, қўлини чаккасига қўйганича пойгачи чол билан хайрлашди.

Ҳайитали НИЗОМИДДИНОВ

СПОРТ ОЛАМИДА

МАВСУМ ЯКУНЛАРИГА БАҒИШЛАНДИ

Ўтган куни Тошкент шаҳридаги "Шератон" меҳмонхонасида Ўзбекистон футбол федерацияси ижроия қўмитасининг футбол мутасаддиларию мураббийлар ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирокида жорий йилдаги футбол мавсуми якунларига бағишланган навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди.

Анжуманда Ўзбекистон футбол федерацияси бош котиби Бахтиёр Раҳимов, яқинда "футбол профессори" деб тан олинган Рустам Акромов сўзга чиқиб, Х миллий чемпионат якунларига тахминий баҳо беришди ва келгусида бажарилиши лозим бўлган вазифаларга тўхталишди.

Дарвоқе, "Трактор" жамоаси бош мураббийси Равшан Ҳайдаров 5 йил давомида мамлакат терма жамоасига раҳбарлик қиладиган бўлди. Шунингдек, "йилнинг энг яхши футболчиси" деб Николай Ширшов, "Нефтчи"нинг бош мураббийси Юрий Саркисян эса "йилнинг энг яхши мураббийси" деб тан олинди.

ФАХРИЙЛАР БЕЛЛАШУВИ

Қарши шаҳрида Ўзбекистон кураш миллий федерацияси ташаббуси билан Тошкент шаҳри ва барча вилоятлардан ташриф буюрган фахрий полвонлар иштирокида Ўзбекистон чемпионати мусобақалари бўлиб ўтди.

3 та вазн тоифасида ғолиблик учун ўзаро беллашган 100 нафар фахрийлар ўртасида 8 та олтин медални қўлга киритган қашқадарёликлар умумжамоа ҳисобида биринчи ўринни эгаллашди. Сурхондарёлик полвонларга иккинчи, бухороликларга учинчи ўрин насиб этди.

ФАРҒОНАЛИКЛАР ҒОЛИБ БЎЛИШДИ

Қўқонда таэквандо бўйича ёшлар ўртасида Ўзбекистон кубоги мусобақалари ўтказилиб, умумжамоа ҳисобида ғолиблик фарғоналикларга насиб этди.

Аёллар ўртасидаги баҳсларда финалда Тошкент вилояти спортчиларини мағлуб эта олган фарғоналиклар, эркаклар иштирокидаги баҳсларда ҳам финалда пойтахт вилояти таэквандочиларига рўбарў келишди ва барибир ғолибликни қўлга киритишди.

ХОТИРА ТУРНИРИ

Тошкент шаҳридаги "Жар" мажмуида спортнинг қўл жанги тури бўйича халқаро турнир бўлиб ўтмоқда.

Қозоғистон, Россия ва бошқа қўшни давлатлар спортчилари иштирок этаётган ушбу халқаро турнир хизмат бурчини ўтаётганда вафот этган ички ишлар органлари ходимлари хотирасига бағишланади.

Акбар ЙЎЛДОШЕВ тайёрлади.

"OSIYO FOOD"

очиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти

Сизларни янги 2002 йил билан самимий муборакбод этади ва янги йил дастурхонингизни янада файзли қилиш учун ўз маҳсулотларини тақдим қилади. Улгуржи баҳоларда маҳсулот сотиш учун чекланмаган миқдорда буюртмалар қабул қилади.

"OSIYO-FOOD" сизнинг тижоратингиз учун энг ишончли ҳамкор!

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Чилонзор, 26-мавзе.
Тел.: 72-02-91; Факс: 72-01-51

СКАНВОРД



Тузувчи: Акрамжон Хўжамов

КЎРГАЗМА

ТАРИХ ЧИЗГИЛАРИГА БИР НАЗАР

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий Университетининг маданият саройида халқимиз маънавиятининг ёрқин тимсоли, тенгсиз иқтидори, юксак бадиий маҳорати бетакрор асарлари билан Шарқ Уйғониш даври маданиятига улкан ҳисса қўшган, Машриқ миниатюра мактабининг асосчиси, буюк аждодимиз Камолиддин Беҳзод номидаги миниатюра санъати музейи асарларидан иборат кўргазманинг тақдимот маросими бўлиб ўтди.

Ушбу кўргазма Олий Мажлиснинг фан, таълим,-маданият ва спорт масалалари бўйича қўмитаси, Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий Университети, Ўзбекистон Бадиий Академияси, Камолиддин Беҳзод номидаги миниатюра санъати музейи ҳамда республика "Ҳунарманд" уюшмаси томонидан ташкил этилди.

Ушбу кўргазмага Беҳзод миниатюра мактаби узвий давомчиларининг 70 дан ортиқ асарлари қўйилган. Кўргазма 10 кун давомида намойиш этилди.

Ҳасан ТОШХЎЖАЕВ.

"Янгийўл"

очиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти

ўз акциядорларига янги жойлаштирилган акциялар жадвалини маълум қилади.

Давлат улуши 51 % -	45640 дона акция –	110585720 сўм.
Меҳнат жамоаси 6,7 % -	5994 дона акция –	14523462 сўм.
Чет эл инвесторлари 25 % -	22372 дона акция –	54207356 сўм.
Эркин савдо 17 % -	15484 дона акция –	37517732 сўм.
Жами 100 % -	89490 дона акция –	216834270 сўм.

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Саид АҲМАД, Туроб ХОЛТОЕВ, Азимжон АЮПОВ, Абдурашид БОБОМИРЗАЕВ, Искандар ҚАЛАНДАРОВ, Эркул ЗИКРИЁЕВ, Иқромжон НАЖМИДДИНОВ, Бахтиёр ОЛИМЖОНОВ, Комилжон МАМАЖОНОВ, Суннат САЙДАЛИЕВ (бош муҳаррир ўринбосари), Ҳабиб ТЕМИРОВ (бош муҳаррир биринчи ўринбосари), Озод ШАРОФИДДИНОВ, Ғафур ШЕРМУҲАММАД (масъул котиб), Шамсиддин ЭСОНБОЕВ.

МУАССИСЛАР:
Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, "Ўздонмахсулот" корпорацияси, "Ўзмевасабзавотузумсаноат-холдинг" компанияси, "Ўзпахтасаноат", "Ўзбек ипаги", Деҳқон ва фермер хўжаликлари уюшмалари, Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Марказий Қўмитаси

Телефонлар:
Қабулхона - 133-09-93 (факс) 133-40-87 (факс), бош муҳаррир ўринбосарлари — 133-16-27, 133-44-43, котибият — 136-56-26. Ижодий гуруҳлар: 136-56-21, 136-56-25, 136-54-42, реклама ва эълонлар— 136-56-30 .

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:
Қорақалпоғистон Республикаси - 8-361-58-512-17; Андижон - 8-374-2-25-32-23; Бухоро - 8-365-22-648-22; Жиззах - 8-372-33-553-59; Навоий - 8-436-22-588-56; Наманган-8-369-43-311-81; Фарғона - 8-373-61-221-97; Самарқанд - 8-366-233-00-52; Сурхондарё - 8-376-46-526-61; Сирдарё - 8-367-225-41-73; Тошкент - 8-371-136-56-21; Хоразм - 8-362-22-623-50; Қашқадарё - 8-375-22-517-65.

МАНЗИЛИМИЗ: 700083, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32
Газета сешанба, пайшанба, жума кунлари чиқади

«Шарқ» нашриёт матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41—уй.

Газетамиздан мақолалар кўчириб босилганда «Қишлоқ ҳаёти»дан олинди деб кўрсатилсин.
Навбатчи: А.КАРИМОВ

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитаси томонидан 2000 йил 8 августда №00006-рақам билан рўйхатдан ўтказилган. | Буюртма Г— 3108, ҳажми 2 босма табоқ. | Офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. | Босишга топшириш вақти 21.00. Босишга топширилди | Газета таҳририятнинг ўзида компьютерда терилди ва саҳифаланди. | 1 2 3 4 5 6.